

**ҚЎҚОН УНИВЕРСИТЕТИ
ХОДИМЛАРИНИНГ ТАРМОҚ
ТАРИФ-МАЛАКА МАЪЛУМОТНОМАСИ**

«Тасдиқлайман»

**Директор
Ғ.Захидов**

“ _____ ” _____ 2024 йил.

«Келишилди»

**Бошланғич касаба уюшмаси
ташкilotи раиси
Юсупов А.**

“ _____ ” _____ 2024 йил.

«Келишилди»

**HR департаменти бошлиғи
А. Абдухамидов**

“ _____ ” _____ 2024 йил.

«Келишилди»

**Юрисконсулт
М.Хасанов**

“ _____ ” _____ 2024 йил.

Мундарижа:

I.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	1-4 бет
1	Директор	
2	Ректор	
Ректор котибати		
3	кенгаш котиби	
4	Ректор ёрдамчиси	
5	Девонхона ва архив мутахассиси	
6	Матбуот котиби	
7	Юристоконсулт	
Стратегик режалаштириш департаменти		
	Стратегик режалаштириш департаменти бошлиғи	
Ректор маслахатчиси		
8	Талабалар орасида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга масъул бўлган ректор маслахатчиси	
Проректорлар		
9	Академик ишлар бўйича проректор	
10	Академик ишлар бўйича проректор иш юритувчиси	
11	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор	
12	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор иш юритувчиси	
13	Маънавий-маърифий ва ёшлар билан ишлаш бўйича проректор	
14	Ёшлар билан ишлаш департаменти мутахассиси	
15	Ёшлар билан ишлаш департаменти спорт бўйича мутахассиси	
16	Ташкилий ва молиявий ишлар бўйича директор ўринбосари	
17	Ташкилий ва молиявий ишлар бўйича директор ўринбосари иш юритувчиси	
Академик ишлар департаменти		
18	Академик ишлар департаменти бошлиғи	
19	Академик ишлар департаменти мутахассиси	
PR ва Маркетинг департаменти		
20	PR ва Маркетинг департаменти бошлиғи	
21	PR ва Маркетинг департаменти мутахассиси	
Таълим сифатини назорат қилиш департаменти		
22	Таълим сифатини назорат қилиш департаменти бошлиғи	
23	Таълим сифатини назорат қилиш департаменти мутахассиси	
Факультет		
24	Факультет декани	
25	Декан Муовини	
26	Деканат иш юритувчиси	
Талабаларга хизмат кўрсатиш департаменти		
27	Талабаларга хизмат кўрсатиш департаменти Регистрари	
28	Талабаларга хизмат кўрсатиш департаменти Регистрари	

	муовини	
29	Талабаларга хизмат кўрсатиш департаменти мутахассиси	
30	Талабаларга хизмат кўрсатиш департаменти контракт тўловлари билан ишловчи мутахассиси	
31	Талабаларга хизмат кўрсатиш департаменти иш юритувчиси	
Халқаро ҳамкорлик департаменти		
32	Халқаро ҳамкорлик департаменти бошлиғи	
33	Халқаро ҳамкорлик департаменти мутахассиси	
Илмий тадқиқотлар департаменти		
34	Илмий тадқиқотлар департаменти бошлиғи	
35	Илмий тадқиқотлар департаменти мутахассиси	
Стартап ва инновацион тадбиркорликни ривожлантириш департаменти		
36	Стартап ва инновацион тадбиркорликни ривожлантириш департаменти бошлиғи	
37	Стартап ва инновацион тадбиркорликни ривожлантириш департаменти мутахассиси	
Ахборот-кутубхона маркази		
38	Ахборот-кутубхона маркази бошлиғи	
39	Ахборот-кутубхона маркази етакчи мутахассис	
40	Библиограф	
41	Кутубхоначи	
Нашриёт бўлими		
42	Нашриёт бўлими бошлиғи	
43	Мухаррир	
44	Мусаххих(корректор)	
45	Техник ходим	
46	Медиа маҳсулотлари тайёрловчи мутахассис	
Тайёрлов курси		
47	Тайёрлов курси Администратори	
Молия департаменти		
48	Молия департаменти бошлиғи	
49	Бош бухгалтер	
50	Ойлик маошлари билан ишловчи Бухгалтер	
51	1С билан ишловчи Бухгалтер	
52	Моддий товар бойликлар Бухгалтери	
Операцион департаменти		
53	Операцион департаменти бошлиғи	
54	Бинобон	
55	Контракция ва харидлар бўйича мутахассис	
56	Меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис	
57	Боғбон	
58	Сантехник	
59	Кўча спрувчи	
60	Қўриққаш департаменти бошлиғи	

61	Қўриққаш департаменти назоратчиси	
62	Электромантёр	
63	Дурадгор	
64	Юк ташувчи	
65	Кир ювучи	
66	бўёқчи	
67	Бош ошпаз	
68	Бош ошпаз ёрдамчиси	
69	Кассир	
70	Ҳамшира	
71	Ҳайдовчи	
72	Фаррош	
ЕС(Exam control) департаменти		
73	ЕС департаменти бошлиғи	
74	ЕС департаменти мутахассиси	
ИТ департаменти		
75	ИТ департаменти бошлиғи	
76	Веб дастурчи	
77	Ахборот тизимларига хизмат кўрсатувчи мутахассис	
78	Тармоқ администратори	
79	Компютер қурилмаларига хизмат кўрсатувчи мутахассис	
HR департаменти		
80	HR департаменти бошлиғи	
81	HR департаменти бошлиғи ходимлар билан ишлаш инспектори	
82	HR департаменти мутахассиси	
Кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчилар		
83	Кафедра мудири	
84	Кафедра ва профессор ўқитувчилар	
85	Доцент	
86	Катта ўқитувчи	
87	Ўқитувчи, ассистент-ўқитувчи	
88	Кафедра иш юритувчиси	

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- Мазкур “Тармоқ тариф-малака маълумотномаси” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги “Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини тасдиқлаш янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 795-сон қарори ҳамда Олий таълим, фан ва инновациалар вазирлигининг 2017 йил 27 декабрдаги 941-сонли буйруғига ва амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

- Қўқон университети МЧЖ (бундан буён “Университет” деб юритилинади) тизимида қирувчи барча бўлимлар, факультет ва кафедралар учун меҳнат фаолияти юритаётган ходимлар лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш учун маъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлайди.

1.Ректор лавозим вазифалари:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини амалга оширишни ташкил этиш;
- Юксак маънавий-ахлоқий ғазилатли, мустақил фикрлашга қодир бўлган, бозор шароитида ишни ташкил этишнинг усуллариини эгаллаган юқори маълумотли малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш;
- Халқаро таълим стандартлари асосида юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;
- Университетда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлаш;
- Университет таркибий тузилмасидаги барча бўлинмалар ваколатларини белгилаб бериш, фаолиятларини режалаштириш, мувофиқлаштириш, бошқариш, Университетсининг бошқарув лавозимларига муносиб кадрларни тайёрлаш, ходимларни танлаш, раҳбарлик лавозимида тавсия этиш ва ишга қабул қилиш;
- Ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, интизомий жазо чораларини қўллаш;
- Университет даромадларини шакллантирилиши ва улардан самарали фойдаланилиши устидан назорат қилиш;
- Илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш;
- Узлуксиз таълим тизими учун янги авлод ўқув адабиёти яратиш концепцияси талабларига мувофиқ дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар яратилиши, таржима қилиниши ва нашр этилишини ташкил этиш;
- Ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг илғор шакллариини, шу жумладан, масофадан туриб ўқитиш, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;
- Маънавий-маърифий, тарбиявий ишларга раҳбарлик этиш, ходимлар ва талабаларда миллий ғояни шакллантириш;
- Талабаликка, магистратура, таянч докторантура ва докторантурага қабул қилиш, ўқишдан четлатиш, тиклаш, ички тартибга риоя этилишини таъминлаш;
- Профессор-ўқитувчиларнинг касбий малака оширишларини таъминлаш;
- Талабалар, мустақил-изланувчилар, илмий-педагогик ходимлар учун маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги шароитларни ташкил этиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш;
- Факультетлар ва кафедралар фаолияти, ўқув жараёни, маърузалар, амалий ва лаборатория машғулотлари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари, бошқа турдаги машғулотлар сифатининг доимий назорат этилишини таъминлаш;
- Университетсида мутахассислар тайёрладиган йўналиш ва ихтисосликлар соҳасининг ривожланиш истиқболларини аниқлашга қаратилган тадбирларни ташкил этиш (илмий-амалий конференциялар ўтказиш, халқаро анжуманларда иштирок этиш, ахборот маконидан фойдаланиш шароитларини яратиш, фан-техника, технологиялар ривожланишига тааллуқли адабиёт, информацион материалларни келтириш), бунинг асосида давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув адабиётларини такомиллаштириб боришни таъминлаш, илмий изланишларни йўналтириб бориш;
- Маркетинг хизматини ривожлантириб, таълим йўналиши ва ихтисосликларга талаб ва эҳтиёжни ўрганиш, битирувчиларни амалда ишга жойлаштириш таҳлили, мутахассисларни мақсадли тайёрлаш борасида ҳамкорлик шартномалари тузишни ташкил этиш;
- Университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш

тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Университетси Университет кенгашиига раҳбарлик қилиш, Университетсининг таркибий тузилишини такомиллаштириш, таркибий бўлинмаларини ташкил этиш, тугатиш, ўзгартириш;

- Хорижий ҳамкорлар билан илмий-иждодий алоқаларни ривожлантириш, инвестиция ва грантлар жалб этилишини таъминлаш, қўшма корхона (кафедра, илмий марказ, илмий тадқиқотлар, лойиҳалар ва ҳ.к.)лар ташкил этиш фаолиятини амалга ошириш;

- Жамоат ташкилотлари, Васийлар кенгаши ва бошқа шу каби нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик фаолиятини олиб бориш;

- Таълим жараёнини бошқариш бўйича ваколатли органлар томонидан белгиланган бошқа вазифалар ижросини таъминлаш.

- Ички меҳнат тартиби қоидалари, лавозим йўриқномасига, одоб-ахлоқ қоидалари, меҳнат қонунчилиги нормаларини ўз ичига олган Жамиятнинг локал қоидалари ва хужжатларига техник ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва нормалари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари билан танишиб чиқиш ва риоя қилиш ҳамда қийиниш маданияти талабларини бажарилишини таъминлаш.

Билиши керак:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси ҳамда Вазирлик буйруқлари, олий таълим Университетсида ўқув, илмий, молиявий ва тарбия жараёнини белгилайдиган меъёрий хужжатларни билиши.

Малака талаблари:

- Университетда бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятлари, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стаж, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмалар;

- Намунавий шахсий фазилатлар – интеллект, маданият, етакчилик, иждодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тadbиркорлик қобилиятлари, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятлари;

- Университетда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражаси, профессор ёки доцент илмий унвони;

- Университетсининг тегишли бошқарув бўғинларида кафедра мудир, факультет декани ёки ўринбосари, проректор каби раҳбарлик лавозимларида камида беш йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
2340	Ректор	1210	Б	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

2. Ички назорат ва кенгаш котибининг лавозим вазифалари:

- Ҳар ойда ўтказиладиган университет илмий кенгаш мажлисининг иш режаси бўйича тегишли соҳалар масъулларига қарор лойиҳаларини тайёрлаш бўйича хабар бериш ва уни назорат қилиб бориш;

- университет илмий кенгаш аъзоларини илмий кенгашда иштирокини таъминлаш ва уларга мажлис куни ҳамда вақти хақида хабар бериш;
- Илмий кенгаш қарорлари лойиҳасини масъуллардан ўз вақтида олиш ва уларни расмийлаштириш;
- Илмий кенгаш қарорлари лойиҳаси расмийлаштирилиб, тайёр бўлгач барча кенгаш аъзоларига тарқатиш;
- Илмий кенгаш қарорлари ижроси устидан мунтазам мониторингни амалга ошириш;
- Илмий кенгаш қарорлари лойиҳасини масъуллар томонидан бажарилмаган тақдирда ёзма ёки оғзаки равишда илмий кенгаш раисига ҳисобот бериш;
- Илмий кенгаш қарорларини баённома билан расмийлаштириш. Баённомаларни илмий кенгашнинг раиси ва илмий котиби томонидан имзолаб тасдиқланишини таъминлаш;
- Илмий кенгаш тасдиғидан ўтган барча университетни ҳужжатларининг баённомадан кўчирмасини тасдиқлаб бериш;
- Илмий кенгаш қарорига мувофиқ профессор, доцент илмий унвонини олишга интилаётган изланувчиларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда илмий унвонга тасдиқлаш учун тақдим этиш ҳамда ҳужжатларни университетга жўнатиш;
- Илмий кенгаш муҳокамасидан ўтган докторлик ва номзодлик диссертацияси мавзуларига баённомадан кўчирмани тасдиқлаш;
- Кафедра мудири, профессор ва доцент лавозимларига кафедралар буйича вакант лавозимларга ёпик овоз бериш йули билан танлов ўтказиб, расмийлаштириш;
- Профессор-ўқитувчиларнинг илмий ишлар рўйхатини тасдиқлаб бериш;
- Хар ўқув йили охирида илмий кенгаш баённомаларининг йигма жилдини архивга топшириш;
- Илмий кенгаш режаси илмий кенгаш томонидан кўриб чиқилгандан сўнг университет ректори томонидан тасдиқлатиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Хайъати Қарорлари ҳамда буйруқлари асосида иш режасига ўзгартиришлар киритиш;
- Илмий кенгаш йигма жилдлар номенклатурасини доимий тарзда юритиш ва барча ҳужжатлар мониторингини амалга ошириш.
- Девонхона рўйхатидан ўтган ва ректор ижро учун чиқарган барча хатлар буйруқларни ва бошқа турдаги ҳужжатларни ижросини хар ҳафталик график тузган ҳолда назорат қилади ва ҳисобот тайёрлайди
- Университетда чиқарилган ички буйруқларнинг ижросини, HR департаменти ва девонхонадан чиқарилган буйруқлар юзасидан маълумот олган ҳолда ҳафталик график тайёрлайди назорат қилади ва ҳисобот тайёрлайди.
- Ректор ва проректорларнинг кенгашдан ташқари ўтказган мажлисларининг баённомаларини Ректор ёрдамчиси ва проректорлар иш юритувчиларидан олади улар билан биргаликда ижросини ҳафталик график тузган ҳолда назорат қилади ва ҳисобот тайёрлайди.
- Университетдаги барча бўлинмаларнинг намеклатура бўйича тўғри ва тўлиқ йуритилаётганлигини 1 ойда бир марта хар бир бўлинмани назорат қилади.
- Университет ходимлари ва профессор-ўқитувчилари университет ички тартиб қоидаларига, одоб-ахлоқ-қоидаларига, ишга вақтида келиб кетишларига, лавозим юриқномаларига тўлиқ амал қилишларига университет ҳудудини бўлинмаларни кундалик кузатув орқали назорат қилади.
- Университет ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ-қоидалари, ишга вақтида келиб кетишлари, лавозим юриқномаларига тўлиқ амал қилишлари бузилганда тушинтириш ишлари олиб боради, университет ректорига билдирги киритади ва 1 ойда бир маротаба

кенгашга ҳисобот тайёрлайди

- Ички назорат ва кенгаш котиби ҳужжатларнинг номенклатурасини юритиш ва белгиланган тартибда ҳужжатларни архивга топшириш;

- Ички меҳнат тартиби қоидалари, лавозим йўриқномасига, одоб-ахлоқ қоидалари, меҳнат қонунчилиги нормаларини ўз ичига олган Жамиятнинг локал қоидалари ва ҳужжатларига техник ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва нормалари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари билан танишиб чиқиш ва риоя қилиш ҳамда кийиниш маданияти талабларини бажарилишини таъминлаш.

Билиши керак:

университетда илмий ишларини олиб бориш бўйича норматив ҳужжатлар, вазирлик буйруқлари билан белгиланган лавозим вазифаларини, олий таълимга оид қонунлигини, Олий таълим, фан ва инновациалар вазирлиги нинг буйруқ ва йўриқ хатларини билиши, профессор-ўқитувчилар таркибининг танлов орқали лавозимларини эгаллаш тартибини билиши, илмий даража ва илмий унвонлар бериш тартибини билиши.

Малака талаблари:

- Олий таълимга оид қарорларини, олий ўқув юртлари тўғрисидаги Низомни, Олий таълим, фан ва инновациалар вазирлиги нинг буйруқ ва йўриқ хатларини билиши;

- университетга, илмий кенгашга, илмий унвон беришга тааллуқли кўрсатмаларини ҳамда раҳбарий ва меъёрий ҳужжатларини билиши;

- Олий маълумотга эга бўлиши;

- Профессор-ўқитувчилар таркибининг танлов орқали лавозимларини эгаллаш тартибини билиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	УМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
2407	Кенгаш котиби	3439	М	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

3. Ректор ёрдамчиси лавозим вазифалари:

- Функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

- Бевосита Ректорга ҳисобот беради;

- Ташкилий-маъмурий ишларни ташкилий ва техник жиҳатдан қўллабқувватлаш бўйича ишларни амалга оширади;

- Ректор кўриб чиқадиган барча ҳужжатларни қабул қилади, уларни ижро этиш жараёнида фойдаланиш ёки жавоблар тайёрлаш учун тузилмавий бирликларга ёки муайян ижроچига қарорга мувофиқ топширади;

- Қарорларни қабул қилиш жараёнида ахборот йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш учун зарур ишларини олиб боради;

- Ректор имзоси учун ҳужжатлар ва баённомаларни қабул қилади;

- Ректор га иш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материалларни тайёрлайди;

- Мурोजаат қилувчиларнинг телефон орқали сўзлашувларини ўтказилишини ташкил этади, Ректор йўқлигида қабул қилувчи ва суҳбат қурилма (телефакс, телекс ва бошқалар), шунингдек телефон хабарлари, алоқа каналлари орқали олинган маълумотларни қабул қилади ва унинг мазмунига эътиборни қаратади;

- Ректор ўтказган барча мажлис баённомаларини расмийлаштириш;
- Ректор мажлисда берган топшириқларини баённомага асосланган ҳолда ижросини таъминлаш мақсадида топшириқлар рўйхати тузади ва ижроси бўйича муддат белгилаб ва жадвал тайёрлаб масъулларга етказди ва назорат қилади.
- Ректорнинг топшириғига биноан хатлар, сўровлар ва бошқа ҳужжатларни юборади, хатлар муаллифларига жавоблар беради; йиғилишлар ва раҳбарлар мажлисларини (зарур материалларни тўплаш, вақт ва жойини аниқлаш, кун тартиби, рўйхатга олиш тўғрисидаги билдиришномалар) тайёрлаш бўйича ишларни амалга оширади;
- Ректорнинг иш жойини керакли ташкилий технологик, иш юритиш ҳужжатлари билан таъминлайди, Ректорнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган шарт-шароитларни яратади;
- Меҳмонларни қабул қилишни ташкил қилади, ходимларнинг талаб ва таклифларини тезкорлик билан кўриб чиқади;
- Тасдиқланган номенклатура бўйича ишларни олиб боради, уларнинг хавфсизлигини таъминлайди ва уларни ўз вақтида архивга топширади;
- Вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади;
- Хизмат вазифаларини сўзсиз бажаради ва ички меҳнат тартибига қатъий риоя этади;
- Мунтазам равишда касбий ва малакавий даражасини ошириб боради;
- Ўзининг лавозим йўриқномасида ўзига юклатилган вазифалар, функциялар ва мажбуриятларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, ўзига берилган ваколатлар ва ҳуқуқлардан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши, шунингдек Университет ички меъёрий ҳужжатлари талаблари, раҳбарият қарорлари, буйруқлари, кўрсатмалари ва топшириқларини тўғри ва аниқ бажарилиши учун жавоб беради.
- Ички меҳнат тартиби қоидалари, лавозим йўриқномасига, одоб-ахлоқ қоидалари, меҳнат қонунчилиги нормаларини ўз ичига олган Жамиятнинг локал қоидалари ва ҳужжатларига техник ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва нормалари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари билан танишиб чиқиш ва риоя қилиш ҳамда қийиниш маданияти талабларини бажарилишини таъминлаш.

Билиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларини, Қабул қилиш ва сўзлашув қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини, ягона ташкилий-маъмурий ҳужжатлар тизимининг стандартларини, стандарт намуналардан фойдаланиш ва иш харфларини чоп этиш қоидаларини, этика ва эстетика асосларини, бизнес алоқалари қоидаларини, Интернет, ҳисоблаш техникасидан фойдаланишни ва махсус компьютер дастурлари билан ишлаш қоидаларини, ахборот хавфсизлиги сиёсатини, ички меҳнат тартиби қоидаларини, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ёнғинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини.

Малакавий талаблар:

Олий маълумот, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, идора ва муассаларда 5 йилдан ёки олий таълим тизимида 3 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши лозим.

4. Девонхона ва архив мутахассиси лавозим вазифалари:

- Университетга келувчи ҳужжатларни тўғри ҳисобга олиш, ўз вақтида қайд этилиши ва ижрочиларга топширилишини ташкил этиш;
- Университетдан чиқувчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини таъминлаш;
- Ректор номига келувчи ҳужжатларни қабул қилиб олиш, уларни варақчага қайд этиш ва маълум қилиш учун топшириш;
- Ректор кўрсатмасига мувофиқ ҳужжатларни ижро этиш учун юбориш;
- Ректор (проректор) имзоси билан юбориладиган ҳужжатлар қайд этилиб, тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш;
- Кирувчи хат-хабарларни, Университет реквизитлари ёзилган босмахона бланкаларини ҳисобга олиб бориш;
- Ижро этилган ҳужжатларни йиғма жилдларга тикиб қўйиш;
- Иш юритишда тугалланган ҳужжатларни архивга топшириш учун расмийлаштириш.
- Университетда архив ишларини юритиш;
- Ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш, сақлаш ва фойдаланиш, тизимлаштириш;
- Архив ҳужжатларининг илмий-амалий қимматини экспертиза қилишни ташкил этиш бўйича иш юритиш;
- Доимий ва вақтинча сақланадиган ҳужжатларни ажратиш;
- Сақлаш бўйича муҳлати ўтган ҳужжатларни йўқ қилиш, давлат архивига топшириш далолатномаларни тузиш;
- Архивда бор ҳужжатларга асосланиб архив маълумотномасини бериш, сақлаш муддатларини аниқлаштириш, ҳужжатларга фонд тартиб рақамини бериш;
- Архив хоналарини тегишли ёнғинга қарши аҳволда сақлаш, ёруғлик тушишини кузатиш;
- Иссиқлик тизимини, алоқа воситаларини кузатиш, йиғма жилдлар номенклатурасини ишлаб чиқишда қатнашиш, иш юритиш бўйича тугалланган ҳужжатларнинг архивга топширилишини назорат қилиш, белгиланган ҳисоботни ўз вақтида топшириш, иш юритиш йўриқномасини ишлаб чиқиш, ДАК ҳужжатларини қабул қилиш, тестдан йиқилган абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш.
- Ички меҳнат тартиби қоидалари, лавозим йўриқномасига, одоб-ахлоқ қоидалари, меҳнат қонунчилиги нормаларини ўз ичига олган Жамиятнинг локал қоидалари ва ҳужжатларига техник ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва нормалари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари билан танишиб чиқиш ва риоя қилиш ҳамда қийиниш маданияти талабларини бажарилишини таъминлаш.

Билиши керак:

Иш юритишни ташкил этиш, йиғма жилдлар рўйхат тартиби, ҳолати, доимий ва вақтинча сақланадиган йиғма жилдларнинг рўйхатлари, йиғма жилдларни архивга топшириш муддатлари ва тартиби, девонхона фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Вазирликнинг Ҳайъат қарорлари, буйруқлари, Университет ректори буйруқларининг моҳияти, Университет йиллик ва истиқболли режаларини билиш.

Малака талаблари:

- Олий таълим Университетларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятлари, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стаж, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмалар;
- Намунавий шахсий фазилатлар-интеллект, маданият, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятлари, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятлари;
- Ўрта махсус маълумот.
- Йўналиши бўйича камида 3 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
791	Девонхона мудири	1239	Б	Ўрта махсус	3240100

5. Матбуот котиби лавозим юриқномаси:

- Матбуот котиби университетнинг мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади ҳамда бевосита университет ректорига бўйсунади.

- Матбуот котиби ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациалар вазирининг буйруқларига ҳамда ушбу лавозим юриқномасига амал қилади.

- Олий таълим, фан ва инновациалар вазирлиги, университетнинг таркибий бўлимлари ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларининг тегишли хизматлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш;

- Университет раҳбарияти томонидан замонавий талабларга мувофиқ белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

- Ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида Олий таълим, фан ва инновациалар вазирлиги ахборот хизмати ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари билан самарали ва амалий ҳамкорликни таъминлаш;

- Кенг жамоатчиликни университет фаолияти, унинг соҳага доир норматив-ҳукукий ҳужжатлари тўғрисида ҳолисона, сифатли ва тезкор хабардор қилиш;

- Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш, доимий ҳамкорликда ишлайдиган журналистлар доирасини шакллантириш, ахборот хабарларини тарқатиш, университетда оммавий тадбирларни ташкил қилиш;

- Университетнинг расмий веб-сайтида ахборотни тезкорлик билан жойлаштириш ва ўз вақтида янгилаб бориш, Интернет тармоғидаги веб-ресурсларни, шу жумладан, ижтимоий ва мобил тармоқларни ривожлантириш;

- Олий таълим, фан ва инновациалар вазирлиги ахборот хизмати ҳамда университет таркибидаги бўлимлардаги белгиланган ходимлар билан биргаликда миллий ва хорижий ОАВда тарқатиш учун хабар, ахборот-маълумот материаллар, шарҳлар ва ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

- Университет фаолиятига нисбатан жамоатчилик фикрининг ҳолати ҳамда ОАВ позициясини таҳлил қилиш ва улар тўғрисида университет ректорига ахборот бериш;

- Университетнинг фаолият соҳасига алоқадор матнли, фото, аудио ва видео материаллар маълумотлар банкни шакллантириш ва юритиш.

- Матбуот котиби вазифалари ва функцияларини бажариш учун зарур бўлган ахборотни университет таркибидаги бўлимларидан белгиланган тартибда сўраб олиш;

- Университетнинг йиғилишларида, мажлисларида ва бошқа тадбирларида қатнашиш;

- Қўйилган вазифаларни бажариш учун университет ректори билан келишган ҳолда университет бўлимлари ходимларини, шунингдек, бошқа ташкилотлар мутахассислари ва малакали экспертларини жалб этиш;

- Раҳбариятнинг топшириғига кўра давлат органларида республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган тадбирларда Матбуот котиби ваколатига тааллуқли масалалар бўйича университет номидан вакиллик қилиш;

- Университетнинг ахборот сиёсатини такомиллаштиришга доир таклифларни, Матбуот котиби фаолияти масалалари бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаларини раҳбариятнинг кўриб чиқиши учун киритиш;

- Ахборот коммуникация технологияларини мукамал билиш;

- Ички меҳнат тартиби қоидалари, лавозим йўриқномасига, одоб-ахлоқ қоидалари, меҳнат қонунчилиги нормаларини ўз ичига олган Жамиятнинг локал қоидалари ва ҳужжатларига техник ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва нормалари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари билан танишиб чиқиш ва риоя қилиш ҳамда қийиниш маданияти талабларини бажарилишини таъминлаш.

Билиши керак:

Бўлим фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Вазирликнинг Ҳайъат Қарорлари, буйруқлари, университет ректори буйруқларининг моҳиятини билиши, университет йиллик ва истикболли режаларини билиши, университет тузилмасига ва уни ривожлантириш истикболларига тегишли барча услубий, меъёрий ҳамда бошқа ҳужжатларни билиш.

Малака талаблари:

- Олий таълим муассасаларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга;

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;

- Олий маълумотга эга бўлиши лозим.

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
2267.	Пресс-секретарь	1234	У	В/О	5220100, 5120100; 5120200; 5120300

6. Юрисконсульт лавозим вазифалари:

- Университетнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

- Университет томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинадиган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

- Университетнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида унинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

- Университет ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этиш;

- Шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, Университетнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

- Университетнинг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида бевосита қатнашиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритиш;

- Судларда ва бошқа идораларда университетнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Университет ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга университет фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишга кўмаклашиш, зарур ҳолларда уларнинг қоидалари бўйича тушунтиришлар бериш;

- Университет ректорига тақдим қилинаётган ҳуқуқий тусдаги барча буйруқлар, фармойишлар, топшириқномалар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўйиш;

- Фуқароларнинг ва университет ходимларининг ҳуқуқий масалалар бўйича қабул қилиш, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

- Университетнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондиди тўлдириш, шу жумладан фондди кодекслар, қонунлар, шарҳлар, ахборотномалар ва бошқа ҳуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўриш, университет ректорига ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида таклифлар киритиш;

- Университет ректори учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш;

- Университет маъмурияти ва деканатлар, кафедралар ва бўлимларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритиш, ушбу тадбирларни ўтказишда қатнашиш;

- Университет фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга ошириш;

- Университетга келиб тушган ва университетнинг ўзи томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритиш, уларнинг сақланишини ва назорат қилинишини таъминлаш;

- Университет ва унинг тизимида кирувчи кафедра ва бўлимларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида таклифлар киритиш, зарур ҳолларда ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда қатнашиш;

- Ахборот коммуникация технологияларини пухта билиш;

- Ички меҳнат тартиби қоидалари, лавозим йўриқномасига, одоб-ахлоқ қоидалари, меҳнат қонунчилиги нормаларини ўз ичига олган Жамиятнинг локал қоидалари ва ҳужжатларига техник ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва нормалари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари билан танишиб чиқиш ва риоя қилиш ҳамда қийиниш маданияти талабларини бажарилишини таъминлаш.

Билиши керак:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Юридик хизмат тўғрисидаги Низоми ва бошқа барча қонун ҳужжатларидан хабардор бўлиши.

Малака талаблари:

- Амалдаги қонунларни билиши ва амалда қўллай олиш кўникмаларига эга бўлиши;
- Университетнинг хўжалик-молия фаолиятига оид ҳисоб-китобни юритиш ва ҳисоботларни тузиш тартибини;
- Хўжалик, меҳнат шартномаларини тузиш ва расмийлаштириш тартибини;
- Меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ишлаб-чиқариш санитарияси ҳамда ёнғинга қарши ҳимоя қоидалари ва меъёрларини билиши;
- Юрисконсулт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган ёки Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахс ишлаши мумкин;

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг пас даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
2856	Юрисконсулт	2421	М	Олий маълумот	5240100

7. Стратегик режалаштириш департаменти бошлиғи лавозим вазифалари

- Университетнинг тизимини ривожлантириш, шунингдек таълим соҳасида ўқув жараёнини ташкил етиш масалаларини тартибга солувчи халқаро таълим стандартларини ишлаб чиқишни ташкиллаштиради;
- ўқув жараёни ва кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш, янги таълим дастурлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, шунингдек халқаро талабларга мувофиқ ўқув жараёнга замонавий педагогик технологияларни қўллаш, хорижий грантлар ва инновацион лойиҳаларни жалб қилади;
- Университетнинг 1 йиллик, 3 йиллик, 5 йиллик, 10 йиллик ривожлантириш комплекс стратегиясини ишлаб чиқади ва университетга жорий қилиш бўйича университет кенгашига ҳар ўқув йилининг бошида тасдиққа киритади ва йил давомида стратегия бўйича ишлар олиб борилишини назорат қилади.
- Университет комплекс стратегиясидан келиб чиққан ҳолда университетдаги барча бўлинмаларнинг 1 йиллик ва 3 йиллик стратегиясини бўлинма раҳбарлари билан биргаликда ишлаб чиқади ва амалиётга жорий қилинишини назорат қилади.
- Университетдаги ҳар бир бўлинманинг иш жараёнини ташкил қилишни бўлинма раҳбари билан биргаликда режалаштиради ректорга тасдиққа киритади ва стратегия ва иш жараёни режаси бўйича ҳар ойда бир марта университет кенгашига ҳисобот беради.
- таълим соҳасида норматив ва методик ҳужжатларни янгилаш бўйича халқаро стандартлар асосида ишни ташкил қилади;
- ўқув жараёни, ўқув режаларни ва дастурларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади, янги йўналишлар ва мутахассисларни ташкил қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;
- етакчи ва халқаро олий таълим Университетларнинг ўқув режалари ва фан дастурларини, шу қаторда Университетни ўқув жараёнини қўллаш;
- ўқув жараёни ташкил қилиш сифати, профессор-ўқитувчилар таркибининг малакаси даражаси, унинг талаб қилинган малака характеристикалараг мос келишининг мониторингини ўтказди;
- Университет профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва стажировкаларни ташкил қилиш, илмий-педагогик кадрларни етакчи хорижий таълим ва илмий Университетларда, марказларда ва компанияларда мақсадли тайёрлаш бўйича таклифларни

тайёрлайди;

- дунё амалиётини ҳисобга олиб фан, таълим ва ишлаб чиқаришларнинг интеграциясини мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар комплексини шакллантиради;
- Университет халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича маслаҳатлар ўтказишни ташкиллаштиради;
- таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича халқаро ва давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;
- Профессор-ўқитувчилар учун ўқитишнинг замонавий усуллари ва воситалари бўйича тренинглари, мастер-классларни ташкиллаштиради.
- Ички меҳнат тартиби қоидалари, лавозим йўриқномасига, одоб-ахлоқ қоидалари, меҳнат қонунчилиги нормаларини ўз ичига олган Жамиятнинг локал қоидалари ва ҳужжатларига техник ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва нормалари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари билан танишиб чиқиш ва риоя қилиш ҳамда қийиниш маданияти талабларини бажарилишини таъминлаш.

Билиши керак:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси ҳамда Вазирлик буйруқлари, университетга оид меъёрий ҳамда бошқа ҳужжатлар.

Малака талаблари:

- Юқори ташкилотларнинг қарорлари, фармойишлари, буйруқларини, фуқароларнинг хатлар, шикоятлар ва аризаларини кўриб чиқиш тартибини билиши;
- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Ҳужжатларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома, жўнатиладиган ҳамда ички ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини билиши зарур.
- Университет бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятлари, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стаж, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмалар;
- Намунавий шахсий фазилатлари интеллект, маданият, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятлари, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятлари;

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
2197	Департамент бошлиғи	1210	Б	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

8.Нодавлат олий таълим ташкилотларида Ижтимоий-маънавий мухит барқарорлигини таъминлашга масъул бўлган (ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланадиган) ректор (директор) маслаҳатчисининг лавозим йўриқномаси (Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси 2022 йил 22 ноябрдаги 02-2471 Қўқон университетида йўлланган хати билан тасдиқланган

1. Ўзбекистон Республикиси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Фармойишлари, Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси, Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим-тарбия соҳасидаги қарорларининг ижроси амалга оширилишини ташкил этиш.

1.1. Нодавлат олий таълим ташкилотларида таълим-тарбия ва маънавий- маърифий ишлар ташкил этилиши ҳамда ижтимоий-маънавий муҳит баркарорлигини таъминлашга маъсул.

Ижтимоий-маънавий муҳит баркарорлигини таъминлашга масъул булган (ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар билан шугулланадиган) ректор (директор) маслахатчиси олий таълим ташкилотининг раҳбарияти таркабига киради ҳамда ходимларга курсатма бериш ва унинг ижросини талаб қилиш ваколатига эга.

1.2. Нодавлат олий таълим ташкилотида ижтимоий-маънавий муҳит баркарорлигини таъминлашнинг асосий йуналишларини белгилаш ва ишлаб чиқилган “йул хариталари”нинг ижросини ташкил этиш.

1.3. Нодавлат олий таълим ташкилотлари кенгаши қарорлари ва ректор (директор) буйруқларининг ижросини таъминлаш.

1.4. Талаба-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини қўзғатиб бориш ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш.

1.5. Нодавлат олий таълим ташкилотлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби туғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорида белгилаб берилган топшириқлар ижросини доимий назоратини олиб бориш.

2. Нодавлат олий таълим ташкилотлари, талабалар турар жойлари ва ижара асосидаги турар жойларда ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини мунтазам урганиш, сотломлаштириш ва яхшилаш.

2.1. Нодавлат олий таълим ташкилотларида Одоб-ахлоқ кодекси ва Ички тартиб қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, уларни бузган талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда ходимларга нисбатан чора қўриш ҳамда амалдаги меҳнат қонунчилиги асосида улар билан шартномани бекор қилиш буйича таклифлар киритиш.

2.2 Нодавлат олий таълим ташкилотидаги мавжуд ижтимоий ҳолат туғрисидаги зарурий ахборотларни таҳлил қилиш ва белгиланган тартибда ректорга (директорга) киритиш.

2.3 Профессор-ўқитувчилар ва техник ходимларнинг ишдан олинishi ҳамда талабаларнинг ўқишдан четлаштирилиш ҳолатларини урганиш юзасидан ректорга (директорга) таклиф киритиш.

Шунингдек, Кадрлар масаласида таълим ташкилотининг кадрлар бўлимидаги шахсий иш жилд ва мавжуд маълумотлар билан танишиш ҳуқуқига эга.

2.4 Ёшлар етакчилари ва “Талабалар кенгаши” фаолиятини мувофиқлаштириш, ёшлар муаммолари ва таклифлари юзасидан маълумот киритиш ҳамда муаммоларнинг ечими буйича тадбирларда иштирок этиш, шунингдек, ёшлар етакчиси ва фаол талабаларни моддий рағбатлантириш юзасидан ректорга (директорга) таклиф киритиш.

2.5 Нодавлат олий таълим ташкилотлари талабалари турар жойларида яшаётган талабалар эҳтиёжига ҳар томонлама жавоб берадиган шароитларни мунтазам назорат қилиш, турли учрашув ҳамда тадбирларни ташкил этилишини мувофиқлаштириш.

2.6 Ижарада, яқин қариндошлари ва ўз хонадонида яшовчи талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказилишини ёшлар масалалари буйича ректор (директор) ўринбосарлари билан ҳамкорликда ташкил этиш ва назоратини олиб бориш.

2.7 Нодавлат олий таълим ташкилотларидаги маънавий-маърифий масалалар буйича амалга оширилаётган ишларни мунтазам оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда ёритилишини таъминлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан фикр- мулоҳазалар билдириш.

3. Талабалар ва жамоа орасида экстремизм, терроризм, диний ақидапарастлик, қупорувчилик, наркомания, коррупцияга дарши қўришиш ва бошқа иллатларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш.

3.1 Нодавлат олий таълим ташкилотлари талабаларини Ватанга садоқат, она-диёрга меҳр-мудаббат, озод ва обод мамлакат барпо этишдек улуг ва олижаноб мадсадга эътиқод,

жасурлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш, жиноятчиликни олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилишини таъминлаш.

Талабаларни ахборот хуружи ва ахборот манипуляциясидан химоя қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш.

3.2 Талаба-ёшлар ўртасида “Таълим туғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига таянган долда, миллий руҳ ва умумбашарий кадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш орқали инсон ҳуқуқлари ва кадр-қимматини улуғлашга, мустақил фикрловчи ёшларни тарбиялашга йуналтирилган маънавий-ахлоқий тарбия дастурини амалга ошириш.

3.3 Ҳар бир талаба-ёшнинг юрт тинчлиги. эл саодатига хизмат қиладиган интилиш, изланиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали “инсон- жамият-давлат” тамойилини мунтазам тарғиб этиб бориш.

3.4 Нодавлат олий таълим ташкилотлари фаолиятини таълим жараёнида урушни, зуравонликни тарғиб қилишдан фойдаланишга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинлиги қамситилишига, таълим олувчилар жинсига қўра ажратиб уқитилишига мамлакатдаги ҳавфсизлик ва ижтимоий- сиёсий барқарорликка, жамиятнинг ҳуқуқий ва маънавий асослари, фуқаролар осойишталигига, миллатлараро ва динлараро тотувликка раҳна солинишига, Ўзбекистон Республикаси туғрисида нотўғри ахборотлар тарқатилишига ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий кадриятлари бузиб қурсатилишига йул қўймаслик шартларига амал қилган ҳолда ташкил этилишида ректорга (директорга) қўмаклашиш.

3.5 Нодавлат олий таълим ташкилотда коррупцияга қарши кураш ишларини ва “Комплаенс назорат” бўлимлари фаолиятини мониторингини олиб бориш.

4. Талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни Беш муҳим ташаббус лойиҳаларига, ёшлар фестиваллари ва бошқа маънавий-маърифий тадбирларига кенг жалб қилиш.

4.1 Турли учрашувлар, баус-мунозара, мулоқотлар, оғзаки суҳбатлар, савол-жавоб кечаларини мунтазам равишда ташкиллаштириш.

4.2 Барча факультетларда маънавий муҳитни соғломлаштириш мадсадида талабаларнинг интилиши ва муддаоларини ҳисобга олган ҳолда, ижобий анъана ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий сўровномалар ўтказилишини ташкил этиш.

4.3 Кўрик-танловлар, фестиваллар, бадий ҳаваскорлик тугараклари (Кувноқлар ва зукколар, Талабалар театр студиялари, ракс, вокал, мақом ансамбллари, бахшичилик), спартакиадалар, олимпиадаларнинг мунтазам ўтказилишини ташкил этиш.

4.4 Спорт турлари бўйича олий таълим ташкилоти терма жамоаларини шакллантириш, мусобакаларда иштирокини таъминлаш.

4.5 Республика, вилоят ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган турли жамоат ишларида, тадбирларда профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш.

5. Талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар орасида дунёвий давлат ғояларини кенг тарғиб қилиш борасида олий таълим ташкилотлари масъуллари билан ишларни ташкиллаштириш.

5.1 Талаба, ходим ва профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий тармоқларда ёритаётган нотўғри ва ноҳолис фикр-мулоҳазалари юзасидан ўрганиш ишларини олиб бориш.

5.2 Профессор-ўқитувчилар ва талабалар муносабатида одоб-ахлоқ меъёрлари ҳамда юқори муомала маданиятини кенг тарғиб қилиш.

5.3 Кам таъминланган, қўш болали оилалар фарзандларининг моддий аҳволи ҳақидаги маълумотларни олиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича мунтазам равишда амалга ошириладиган ишларни назоратини олиб бориш.

6. Нодавлат олий таълим ташкилотларнинг халқаро алоқалар бўлими билан ҳамкорликда ишлаш, хорижий давлатларнинг лойиҳа ва грантларини урганиш, уларнинг профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар орасидаги истиқболларини таҳлил қилиш.

6.1 Хорижий давлатларга хизмат сафари ва уқишга юбориладиган профессор-уқитувчилар ҳамда талабалар билан олий таълим ташкилотлари халқаро алоқалар ва биринчи бўлим вакиллари ҳамкорлигида суҳбат ўтказиш, уларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, чет элда бўлиш тартиб-қоидаларини тушунтириш.

6.2 Нодавлат олий таълим ташкилотининг ёшлар билан ишлаш бўйича ректор (директори) уринбосари билан биргаликда тўторларни жалб қилган ҳолда, талабалар ўртасидаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш.

6.3 Нодавлат олий таълим ташкилотига хорижий давлатлар томонидан ажратилган грантлар ва улар иштирок этаётган лойиҳаларни мақсадли ҳамда туғри йўлланшини таҳлил қилиб бориш.

6.4 Ички меҳнат тартиби қоидалари, лавозим йўриқномасига, одоб-ахлоқ қоидалари, меҳнат қонунчилиги нормаларини ўз ичига олган Жамиятнинг локал қоидалари ва ҳужжатларига техник ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва нормалари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари билан танишиб чиқиш ва риоя қилиш ҳамда қийиниш маданияти талабларини бажарилишини таъминлаш.

9. Академик ишлар бўйича проректор лавозим вазифалари:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини амалга оширишни ташкил этиш;

- Тузилмаси бўйича Академик ишлар бўйича проректорга бўйсинувчи бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш;

- Давлат таълим стандартлари асосида ўқув ва ўқув-услубий ишларни ташкил этиш ва малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

- Университетнинг тизимини ривожлантириш, шунингдек таълим соҳасида ўқув жараёнини ташкил этиш масалаларини тартибга солувчи халқаро таълим стандартларини ишлаб чиқишни ташкиллаштиради;

- Ўқув жараёни ва кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш, янги таълим дастурлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, шунингдек халқаро талабларга мувофиқ ўқув жараёнга замонавий педагогик технологияларни қўллаш, хорижий грантлар ва инновацион лойиҳаларни жалб қилади;

- Давлат таълим стандартларига мувофиқ билимлар мазмуни ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар мажмуасини барча деканлар ва бўлим бошлиқлари, кафедра мудирлари ва педагог ўқитувчиларнинг тўлиқ билишини таъминлаш;

- Мутасадди юқори ташкилотларнинг буйруқлари, фармойишлари ва кўрсатмалари, ўқув жараёнига оид масалалар бўйича Университет Университет кенгашии қарорлари ва ректор буйруқларининг бажарилишини ташкил қилиш;

- Илғор мамлакатлар таълим тизимининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа таълимга оид қонунларда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги услуб ва воситаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

- Ўқув жараёнида ўқитишнинг илғор шакллари, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

- Ўқув ва ўқув-услубий ишларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва ишларни ташкил этиш;

- Ўқув жараёнини таъминлайдиган бўлимлар, деканатлар ишларини мувофиқлаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш;

- Тегишли бўлимлар, факультет ва кафедралар иш режаларини тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

- Ўтилаётган дарсларнинг сифатини ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг шахсий режалари бажарилишини назорат қилиш ва таъминлаш;
- Ўқув-амалий конференцияларни ташкил этиш, Университет ўқув-услубий кенгаши ва педагогик маҳоратни ошириш ишларига раҳбарлик қилиш, илғор услубий тажрибаларни умумлаштириш;
- Ўқув-услубий ишларга оид адабиётларни Университет профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрлаш ва нашр этиш жараёни ҳамда Университетнинг барча таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий нашрлар билан кутубхона фондиди тўлдириб туриш бўйича умумий раҳбарликни олиб бориш;
- Профессор-ўқитувчилар ва ўқув ишига ёрдамлашувчи ходимлар штатлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, кафедралар, бўлимларни малакали кадрлар билан таъминлаш ишларини ташкил этиш;
- Бўш лавозимларга танлов асосида ишга қабул қилиш, магистрларни ишга олиб қолиш бўйича таклифлар тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар таркибини яхшилаш ва малакасини ошириш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик қилиш;
- Ўқув хоналаридан унумли фойдаланиш, аудитория ва компьютер синфларини техник жиҳозлашни такомиллаштириш масалаларини ишлаб чиқиш;
- Таълим соҳасида норматив ва методик ҳужжатларни янгилаш бўйича халқаро стандартлар асосида ишни ташкил қилади;
- Ўқув жараёни, ўқув режаларни ва дастурларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади, янги йўналишлар ва мутахассисларни ташкил қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;
- Етакчи ва халқаро олий таълим Университетларнинг ўқув режалари ва фан дастурларини, шу қаторда Университетни ўқув жараёнини қўллаш;
- Ўқув жараёни ташкил қилиш сифати, профессор-ўқитувчилар таркибининг малакаси даражаси, унинг талаб қилинган малака характеристикалараг мос келишининг мониторингини ўтказди;
- Университет профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва стажировкаларни ташкил қилиш, илмий-педагогик кадрларни етакчи хорижий таълим ва илмий Университетларда, марказларда ва компанияларда мақсадли тайёрлаш бўйича таклифларни тайёрлайди;
- дунё амалиётини ҳисобга олиб фан, таълим ва ишлаб чиқаришларнинг интеграциясини мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар комплексини шакллантиради;
- Университет халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича маслаҳатлар ўтказишни ташкиллаштиради;
- Таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича халқаро ва давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;
- Профессор-ўқитувчилар учун ўқитишнинг замонавий усуллари ва воситалари бўйича тренинглар, мастер-классларни ташкиллаштиради.
- Ижро интизомини бузган профессор-ўқитувчилар ва ходимларга нисбатан чора кўриш, улар билан шартномани бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- Департамент ходимларининг хизмат вазифаларини тақсимлаш, уларга юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва тўла қонли бажарилишини, Университетнинг ички низоми ва тартиб қоидаларига риоя қилишини назорат қилиш.

- Университетда деканатлар, кафедралар, департаментларнинг ўқув-услубий фаолиятларини мувофиқлаштириш;

- Университет Кенгаши, Ректор буйруқларининг ўқув жараёнини ташкил қилиш ва таъминлаш ҳақидаги қарорларининг бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

- Бакалаврият талабаларининг Якуний диплом лойиха ишлари, Якуний аттестациялари ва магистратура талабаларининг диссертация ишлари ҳимояларини ташкил қилиш ва ўтказишда иштирок этиш;

- Ўқув жараёнини таъминлаш масалалари бўйича ўқув-ёрдамчи ходимлар ва ўқув ишлари бўйича масъуллар фаолиятини шакллантириш;

- Университет битирувчи мутахассисларни ишга тақсимлаш ва йўналтириш бўйича тадбирларни ўтказишда иштирок этиш;
- Университетда ўқув жараёни, ўқув режаларни ва дастурларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади, янги йўналишлар ва мутахассисликларни ташкил қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва лицезия олиш бўйича барча ҳужжатларни тайёрлайди ва платформага жойлаштириш ишларини амалга оширади;
- Деканатларнинг ўқув йили бўйича ҳисоботларини умумлаштириш ва университет ўқув ишлари бўйича йиллик умумий ҳисоботини тузиш;
- Профессор ўқитувчилар юкламаларини кафедра мудирлари томондан тўғри ва шаффоф тақсимланганлигини назорат қилиш
- Профессор ўқитувчиларга тақсимланган юкламаларини тўлиқ бажарилаётганлигини назорат қилиш
- Таълим йўналишлари бўйича “Ишчи ўқув режа”лари ва “жараён жадвал”ларини тузиш;
- Таълим йўналишларининг ўқув йили учун “Дарс жадвал”ларини ишлаб чиқилишини шакллантириш ва ташкил қилиш;
- “HEMIS” дастурида ўқув-услубий фаолиятга тегишли қисмларини тўлиқ ва тўғри юритилишини таъминлаш;
- Дарс жадвалларида ўзгаришлар бўлганда ўзгаришлар таъсир қилувчи профессор-ўқитувчилар, талабалар грухлари ва академик ишлар бўйича регистрар муовинини огохлантириш ва HEMIS дастурида ҳам ўзгаришларни киритиш;
- Имтихон саволларини йил давомида профессор-ўқитувчилардан йиғиб олиб ўларнинг сифат даражасини таҳлил қилиш ва имтохларга саволларни тайёр ҳолатда бўлишини назорат қилиш
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисида”ги Низомга асосан малака оширувчи педагоглар контингентини шакллантириш ҳамда режалар ишлаб чиқиш, педагогларни малака ошириш институтлари ва марказларига режа асосида юборишни таъминлаш;
- Малака ошириш институтлари ва марказларида якуний имтихонлардан ўтмаган педагогларни қайта ўқишларини назорат қилиш ва натижалари тўғрисида ректорга маълумот тақдим қилиш;
- Талабаларга стипендиялар тайинланишининг қонунийлигини ва ҳолисоналигини текшириш ишларида иштирок этиш;
- Талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизимини шаффофлигини таъминлаш юзасидан ҳар семестр якунида график асосида текширувларни ташкил этиш ва натижалари юзасидан университет кенгашига ҳисобот тайёрлаш;
- Талабаларнинг академик қарздорликлари ва ўзлаштиришлари ҳолатини таҳлил қилиб бориш ва ҳар семестр якунида график асосида талабалар хизмат кўрсатиш департаменти билан биргаликда университет кенгашига ҳисобот ва тегишли таклифлар тайёрлаш;
- Профессор-ўқитувчилар томонидан йиллик шахсий режаларида белгиланган ўқув юкламалари ва ўқув-услубий ишларини ҳақиқий ижросини таъминлаш ҳамда шахсий иш режаларини тўғри тузилиши ва соатбай ҳақ тўланадиган профессор-ўқитувчилар таркибини аниқлаш ҳамда меҳнат меъёрларини ўрнатилишини ташкил қилиш;
- Соатбай ҳақ тўланадиган ўқитувчиларнинг иш ҳажмини аниқлаш ва уларнинг ўқув-услубий фаолиятини шакллантириш;
- Ўриндошлик асосида ишловчи (ички ва ташқи) профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламалар тақсимоти ва унинг бажарилишини таҳлил қилиш ва ҳисобини юритиш.
- Профессор-ўқитувчилар томонидан йиллик шахсий режаларида белгиланган ўқув-

услугий ишлари ва ўқув юкнамалари ижроси юзасидан мониторинг ўтказиш ва кенгашга ҳисобот тайёрлаш ва университет томонидан ташкил қилинадиган йиллик мониторингда қатнашиш

- Профессор-ўқитувчилар томонидан амалий машғулотлар, маърузалар, ва ўқув машғулотларини белгиланган ўқув жадвали ва режаси асосида ўтказилишини шакллантириш, ташкил этиш ва назорат қилиш;

- Кундузги таълим юналиши талабаларига дарс машғулотлари ўз вақтида ва сифатли ўтилаётганлигини назорат қилиш

- Масофавий таълим юналишларига ZOOM платформаси орқали ўтилаётган дарсларни сифтли ва ўз вақтида ўтилаётганлигини назорат қилиш

- Масофавий таълим юналишларига видео дарслар ёзилишини ва платформага жойланишини назорат қилиш ҳамда талабга жавоб бермай қолган видео дарсларни таҳлил қилиш ва янгилаш бўйича таклиф бериш ва назорат қилиш

- Департамент мақсадидан келиб чиқиб Университетда мутасадди бўлган бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

- Университет, Ўзбекистоннинг бошқа етакчи олий ўқув юртлири, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳамда хорижий ўқув юртлирида тўпланган ўқув-услугий соҳалардаги тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш;

- Бўлимда ҳужжатларнинг сифатли тайёрланиши ва топширилган вазифаларнинг таълим Университетсида бажарилиши назоратини таъминлаш;

- Ректорат йиғилиши, Университет кенгаши йиғилишларида қатнашиш;

- Университет факультетларидаги ўқув-услугий ишларнинг ташкил этилишини ўрганиш, факультет ва кафедраларда ўқув-услугий ишларни такомиллаштиришга қаратилган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш;

- Ички меҳнат тартиби қоидалари, лавозим йўриқномасига, одоб-ахлоқ қоидалари, меҳнат қонунчилиги нормаларини ўз ичига олган Жамиятнинг локал қоидалари ва ҳужжатларига техник ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва нормалари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари билан танишиб чиқиш ва риоя қилиш ҳамда қийиниш маданияти талабларини бажарилишини таъминлаш;

Билиши керак:

- Университетда бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, фан соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

- Намунавий шахсий фазилатлар - интеллект, маданият, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университетнинг стратегик мақсадларига эришишини таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши лозим.

- Бўлим фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирликнинг Ҳайъат қарорлари, буйруқлари, Университет ректори буйруқларининг моҳияти.

Малака талаблари:

- Олий таълим бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятлари, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмалар;

- Намунавий шахсий фазилатлар-интеллект, маданият, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятлари, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятлари;

- Ахборот коммуникацион технологияларни пухта билиши;

- Олий маълумотг;
- Бўлим йўналиши бўйича камида 3 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
2055	Департамент бошлиғи	1229	Б	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Академик ишлар департаменти мутахассис лавозим вазифалари:

- Ўқув-услубий фаолиятга тегишли Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид Қонунлари, Президент Фармонлари, Фармойишлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Олий таълим, фан ва инновациалар вазирлигининг Ҳайъат Қарорлари, буйруқлари, шунингдек, ректор буйруқларининг ижросини таъминлаш;
- Ўқув-услубий фаолиятга тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан қабул қилинган Фармон ва Қарорлар мазмунини кафедраларга, профессор-ўқитувчиларга ва талабаларга етказиб бориш;
- Департаменти бошлиғига белгиланган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг топшириқларини бажариш;
- Департамент иш режаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;
- Университетда деканатлар, кафедралар, департаментларнинг ўқув-услубий фаолиятларини мувофиқлаштириш;
- Бакалаврият талабаларнинг Якуний диплом лойиҳа ишлари, Якуний аттестациялари ва магистратура талабаларининг диссертация ишлари ҳимояларини ташкил қилиш ва ўтказишда иштирок этиш;
- Университет битирувчи мутахассисларни ишга тақсимлаш ва йўналтириш бўйича тадбирларни ўтказишда иштирок этиш;
- Университетда Ўқув жараёни, ўқув режаларни ва дастурларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади, янги йўналишлар ва мутахассисликларни ташкил қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва лицензия олиш бўйича барча ҳужжатларни тайёрлайди ва платформага жойлаштириш ишларини амалга оширади;
- Деканатларнинг ўқув йили бўйича ҳисоботларини умумлаштириш ва университет ўқув ишлари бўйича йиллик умумий ҳисоботини тузиш;
- Профессор ўқитувчиларга тақсимланган юкламаларини тўлиқ бажарилаётганлигини назорат қилиш
- Таълим йўналишлари бўйича “Ишчи ўқув режа”лари ва “жараён жадвал”ларини тузиш;
- Таълим йўналишларининг ўқув йили учун “Дарс жадвал”ларини ишлаб чиқилишини шакллантириш ва ташкил қилиш;
- “НЕМИС” дастурида Ўқув-услубий фаолиятга тегишли қисмларини тўлиқ ва тўғри юритилишини таъминлаш;
- Дарс жадвалларида ўзгаришлар бўлганда ўзгаришлар таъсир килувчи профессор-ўқитувчилар, талабалар груҳлари ва академик ишлар бўйича регистрар муовинини огохлантириш ва НЕМИС дастурида ҳам ўзгаришларни киритиш;
- Имтихон саволларини йил давомида профессор-ўқитувчилардан йиғиб олиб ўларнинг сифат даражасини таҳлил қилиш ва имтохларга саволларни тайёр ҳолатда бўлишини назорат қилиш
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог

кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисида”ги Низомга асосан малака оширувчи педагоглар контингентини шакллантириш ҳамда режалар ишлаб чиқиш, педагогларни малака ошириш институтлари ва марказларига режа асосида юборишни таъминлаш;

- Малака ошириш институтлари ва марказларида якуний имтихонлардан ўтмаган педагогларни қайта ўқишларини назорат қилиш ва натижалари тўғрисида ректорга маълумот тақдим қилиш;

- Талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизимини шаффофлигини таъминлаш юзасидан ҳар семестр якунида график асосида текширувларни ташкил этиш ва натижалари юзасидан университет кенгашига ҳисобот тайёрлаш;

- Талабаларнинг академик қарздорликлари ва ўзлаштиришлари ҳолатини таҳлил қилиб бориш ва ҳар семестр якунида график асосида талабалар хизмат кўрсатиш департаменти билан биргаликда университет кенгашига ҳисобот ва тегишли таклифлар тайёрлаш;

- Профессор-ўқитувчилар томонидан йиллик шахсий режаларида белгиланган ўқув юкнамалари ва ўқув-услубий ишларини ҳақиқий ижросини таъминлаш ҳамда шахсий иш режаларини тўғри тузилиши ва соатбай ҳақ тўланадиган профессор-ўқитувчилар таркибини аниқлаш ҳамда меҳнат меъёрларини ўрнатилишини ташкил қилиш;

- Соатбай ҳақ тўланадиган ўқитувчиларнинг иш ҳажмини аниқлаш ва уларнинг ўқув-услубий фаолиятини шакллантириш;

- Ўриндошлик асосида ишловчи (ички ва ташқи) профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкнамалар тақсимоти ва унинг бажарилишини таҳлил қилиш ва ҳисобини юритиш.

- Профессор-ўқитувчилар томонидан йиллик шахсий режаларида белгиланган ўқув-услубий ишлари ва ўқув юкнамалари ижроси юзасидан мониторинг ўтказиш ва кенгашга ҳисобот тайёрлаш

- Профессор-ўқитувчилар томонидан амалий машғулотлар, маърузалар, ва ўқув машғулотларини белгиланган ўқув жадвали ва режаси асосида ўтказилишини шакллантириш, ташкил этиш ва назорат қилиш;

- Кундузги таълим юналиши талабаларига дарс машғулотлари ўз вақтида ва сифатли ўтилаётганлигини назорат қилиш

- Масофавий таълим юналишларига ZOOM платформаси орқали ўтилаётган дарсларни сифтли ва ўз вақтида ўтилаётганлигини назорат қилиш

- Масофавий таълим юналишларига видео дарслар ёзилишини ва платформага жойланишини назорат қилиш ҳамда талабга жавоб бермай қолган видео дарсларни таҳлил қилиш ва янгилаш бўйича таклиф бериш ва назорат қилиш

- Департаментда ҳужжатларнинг сифатли тайёрланиши ва топширилган вазифаларнинг Университетсида бажарилиши назоратини таъминлаш;

- Университет факультетларидаги ўқув-услубий ишларнинг ташкил этилишини ўрганиш, факультет ва кафедраларда ўқув-услубий ишларни такомиллаштиришга қаратилган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш;

- Университетнинг ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш;

- департаментга кирувчи ва чиқувчи ҳужжатларнинг қайд қилиш, ҳисобини юритиш ижросини таъминлаш;

- Бўлим ҳужжатлари номенклатурасини юритиш, белгиланган тартибда архивга топшириш ҳамда ҳужжатлар картотекасини юритиш.

- Деканатлар ва кафедралар томонидан ўқув-услубий ишларнинг бажарилишини, ўқув режалар, махсус курслар ва семинарлар дастурлари, услубий қўлланмалар, назорат ишлари ва бошқа ўқув-услубий ишларнинг тузилишини шакллантириш ва ташкил этиш;

- Кафедралар профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкнамалар тақсимоти ва унинг бажарилишини таҳлил қилиш ва ҳисобини юритиш;

- Кафедраларнинг иш ҳажми, ўқув, ўқув-услугий ва тарбиявий ишлари режаларини йиғиши, ўқитувчиларнинг семестрлар бўйича юкламалари бажарилишини ҳисоблаш;
- Департаментда амалга оширилаётган ўқув-услугий, маънавий-маърифий ҳамда илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирок этиш;
- Университетнинг ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш;

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатлар-интеллект, маданият, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятлари, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;
- Ўрта махсус маълумотга эга бўлиши;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
2523	Мутахассис	2122	М	Ўрта махсус	5111000,5230100

PR ва Маркетинг департаменти бошлиғи лавозим вазифалари:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Университети кенгашининг қарорлари, университет ректорининг буйруқлари, шунингдек, университетнинг Низоми, Ички меҳнат тартиби қоидалари ҳамда ушбу йўриқнома асосида фаолият олиб боради;
- Департаментнинг барча фаолияти ва ходимларини умумий бошқариш;
- Департаментнинг иш режаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;
- Департаментнинг мақсадидан келиб чиқиб Университетда мутасадди бўлган бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- Департамент ходимларининг хизмат вазифаларини тақсимлаш, уларга юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва тўла қонли бажарилишини, Университетнинг ички низоми ва тартиб қоидаларига риоя қилишини назорат қилиш.
- Департаментга тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар мазмунини ходимларга етказиб бориш;
- Корхона, Университет, ташкилотлар ва жисмоний шахслар билан мутахассислар тайёрлаш бўйича келишувларга эришиш ва контрактларни расмийлаштириш;
- Оммавий ахборот воситалари (газеталар, радио-телевидение, электрон алоқа) орқали битирувчилар тўғрисида (таълим йўналишлари, мутахассисликлар бўйича вилоятлар кесимида) маълумот эълон қилинишини, Университет веб-сайтида жойлаштирилишини таъминлаш;
- Мутахассис тайёрловчи кафедралар билан ҳамкорликда ҳар бир битирувчи тўғрисида мукамал маълумотлар, йўналиш ва мутахассисликларни тўлиқ акс эттирувчи ахборотли буклетлар тайёрлаб буюртмачи бўла оладиган давлат идоралари, ташкилотлари ва корхоналарига етказиш;
- Республика ва тегишли ҳудуд иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳа тармоқларининг ривожланиш истикболларини ҳисобга олган ҳолда янги таълим (тайёрлов) йўналишлари ёки мутахассисликларни очиш, шунингдек таълим хизматлари бозори талабларига жавоб бермайдиганларини тугатиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- Манфаатдор ишлаб чиқариш корхоналари билан вакиллари билан битирувчилар учрашувларини ташкил этиш;

- Талабалар қабули кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида иш берувчилар (корхона ва ташкилотлар)нинг мавжуд таълим (тайёрлов) йўналишлари ёки мутахассисликларга бўлган талаблари (буюртмалари)ни ҳисобга олган ҳолда давлат грантлари ва тўлов-контракт бўйича жорий ва истиқболли «буюртмалар портфели»ни шакллантириш;

- Университет нуфузини ва уни халқаро майдонда рейтингини ошириш, жамоатчилик билан университет ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, университет ҳаётини оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда жозибали ва креатив ёритилишини таъминлайди

- Университетда таълим ва илмий-тадқиқот йўналишида фаолиятни ривожлантиришнинг маркетинг тадқиотларини олиб боради, шунинг баробарида СММ бўйича фаол ишлашни ташкил этиш ва уни ривожлантириш йўналишларини аниқлайди;

- Университетнинг миллий ва халқаро таълим ва илмий-тадқиқотлар соҳасидаги ютуқлари ва рейтингини оширишда маркетингни фаол жорий этишнинг илғор хорижий тажрибаларини ўрганади ва амалиётга жорий этади;

- Университетнинг таълим ва илмий-тадқиқотлар соҳасидаги маҳаллий ва нуфузли халқаро ОТМлар ва компаниялар билан, фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида маркетинг алоқаларини йўлга қўяди ва уни ривожлантириб бориш йўналишларини тадқиқ этиб, бу борадаги таклифларни ишлаб чиқади;

- Олиб борган фаолият йўналиши натижалари бўйича ҳисобот тайёрлайди;

- Университет раҳбарияти томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида бажаради;

- Матбуот котиби билан ҳамкорликда Университет расмий ижтимоий тармоқларининг оммабоплигини ошириш, тезкор, аниқ маълумотлар билан тўлдириб бориш ва шу орқали ташқи маълумот олувчиларни очиқ маълумотлар билан таъминлаб бориш;

- Университетнинг барча ижтимоий тармоқ ва веб-сайтини юритиш ҳамда уларда чиқаётган маълумотларни назорат қилиш;

- Турли хилдаги видео, аудио, фото кўринишидаги материаллар , инфографик постерлар, тайёрлаб тармоқларда жойлаб бориш;

- Ижтимоий тармоқларнинг бир-бири билан интеграциясини тўлиқ таъминлаш;

- Кенгроқ аудиторияни қамраб олиш учун тизимли чора тадбирлар ишлаб чиқиш ва университетнинг ўз реклама ва ахборот майдонини яратиш;

- Университетнинг фаолияти юзасидан оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилиги билан очиқ суҳбат ва тарғиботларни ташкил этиш.

- Университетнинг таркибий тузилмаларининг таклифига биноан турли хил мазмундаги университет фаолиятига тегишли медиа маҳсулотларини тайёрлаш.

- Меҳнат бозори ва иш берувчиларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб янги йўналишларга бўлган еҳтиёжни ўрганиш, таҳлил қилиш, сўровномалар ўтказиш ва очиш бўйича таклифлар киритиш.

- Университетнинг ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш;

Билиши керак:

- Университетда бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, фан соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Бўлим фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Вазирликнинг Ҳайъат Қарорлари, буйруқлари, Университет кенгаш қарорлари ва ректори буйруқларининг моҳиятини билиши.

Малака талаблари:

- Университетда бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга;

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига;

- Олий маълумотга эга бўлиши;

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотнинг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
1934	Бўлим бошлиғи	1233	Б	Олий маълумот	5230400,5240100

PR ва Маркетинг департаменти мутахассиси лавозим вазифалари:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Университети кенгашининг қарорлари, университет ректорининг буйруқлари, шунингдек, Ички меҳнат тартиби қоидалари ҳамда ушбу йўриқнома асосида фаолият олиб боради;

- Ишларни департамент бошлиғининг топшириқлари асосида ташкил этади

- Департаментда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан иш юритиш ва ижро назоратини таъминлаш;

- Департаментнинг иш режаларини ижросини таъминлаш;

- Департаментнинг мақсадидан келиб чиқиб Университетда мутасадди бўлган бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

- Департаментга тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар мазмунини танишиб бориш;

- Корхона, Университет, ташкилотлар ва жисмоний шахслар билан мутахассислар тайёрлаш бўйича келишувларга эришиш ва контрактларни расмийлаштириш учун тайёрлаш;

- Оммавий ахборот воситалари (газеталар, радио-телевидение, электрон алоқа) орқали битирувчилар тўғрисида (таълим йўналишлари, мутахассисликлар бўйича вилоятлар кесимида) маълумот тайёрлаш, Университет веб-сайтида жойлаштирилишини таъминлаш мақсадида департамент бошлиғига тақдим қилиш;

- Мутахассис тайёрловчи кафедралар билан ҳамкорликда ҳар бир битирувчи тўғрисида мукамал маълумотлар, йўналиш ва мутахассисликларни тўлиқ акс эттирувчи ахборотли буклетлар тайёрлаб буюртмачи бўла оладиган давлат идоралари, ташкилотлари ва корхоналарига етказиш;

- Республика ва тегишли ҳудуд иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳа тармоқларининг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда янги таълим (тайёрлов) йўналишлари ёки мутахассисликларни очиш, шунингдек таълим хизматлари бозори талабларига жавоб бермайдиганларини тугатиш бўйича департамент бошлиғи томонидан бериладиган таклифларга маълумотлар тўплаш ва тайёрлаш;

- Манфаатдор ишлаб чиқариш корхоналари билан вакиллари билан битирувчилар учрашувларини ташкил этишда иштирок этиш;

- Талабалар қабули кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида иш берувчилар (корхона ва ташкилотлар)нинг мавжуд таълим (тайёрлов) йўналишлари ёки мутахассисликларга бўлган талаблари (буюртмалари)ни ҳисобга олган ҳолда давлат грантлари ва тўлов-контракт бўйича жорий ва истиқболли «буюртмалар портфели»ни шакллантириш;

- Университет нуфузини ва уни халқаро майдонда рейтингини ошириш, жамоатчилик билан университет ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, университет ҳаётини оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда жозибали ва креатив ёритилишини таъминлайдиган контентларни тайёрлаш

- Университетда таълим ва илмий-тадқиқот йўналишида фаолиятни ривожлантиришнинг маркетинг тадқиотларини олиб боришда қатнашади, шунинг баробарида СММ бўйича фаол ишларни амалга оширади;

- Университетнинг таълим ва илмий-тадқиқотлар соҳасидаги маҳаллий ва нуфузли халқаро ОТМлар ва компаниялар билан, фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида маркетинг алоқаларини йўлга қўйишда қатнашади ва уни ривожлантириб бориш йўналишларини тадқиқ етишда, бу борадаги таклифларни ишлаб чиқишда қатнашади;

- Олиб борган фаолият йўналиши натижалари бўйича ҳисобот тайёрлайди;

- Университет раҳбарияти ва департамент бошлиғи томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида бажаради;

- Матбуот котиби билан ҳамкорликда Университет расмий ижтимоий тармоқларининг оммабоплигини ошириш, тезкор, аниқ маълумотлар билан тўлдириб бориш ва шу орқали ташқи маълумот олувчиларни очиқ маълумотлар билан таъминлаб бориш учун контентлар, маълумотлар тайёрлайди;

- Университетнинг барча ижтимоий тармоқ ва веб-сайтини юритиш ҳамда уларда чиқаётган маълумотларни назорат қилишда иштирок этади;

- Турли хилдаги видео, аудио, фото кўринишидаги материаллар , инфографик постерлар, тайёрлайди;

- Ижтимоий тармоқларнинг бир-бири билан интеграциясини тўлиқ таъминлаш;

- Университетнинг фаолияти юзасидан оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилиги билан очиқ суҳбат ва тарғиботларни ташкил етиш.

- Университетнинг таркибий тузилмаларининг таклифига биноан турли хил мазмундаги университет фаолиятига тегишли медиа маҳсулотларини тайёрлаш.

- Меҳнат бозори ва иш берувчиларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб янги йўналишларга бўлган еhtiёжни ўрганиш, таҳлил қилиш, сўровномалар ўтказишда қатнашиш.

- Университетнинг ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш;

Билиши керак:

- Университетда мутахассис лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, фан соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Бўлим фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Вазирликнинг Ҳайъат Қарорлари, буйруқлари, Университет кенгаш қарорлари ва ректори буйруқларининг моҳиятини билиши.

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига;

- Олий маълумотга эга бўлиши;

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
1934	Мутахассис	1233	Б	Олий маълумот	5230400, 5240100

Таълим сифатини назорат қилиш департаменти бошлиғи

• Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Университети кенгашининг қарорлари, университет ректорининг буйруқлари, шунингдек, Ички меҳнат тартиби қоидалари ҳамда ушбу йўриқнома асосида фаолият олиб боради;

• Департаментнинг жорий ва истиқбол иш режаларини ишлаб чиқиш;

• Таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг ДТС, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари билан таъминланганлигини таҳлил этиш ва уларни экспертиза қилиш;

• Олий таълим Давлат таълим стандартларига мувофиқ билимлар мазмуни ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар мажмуасини барча деканлар ва бўлимлар, кафедра мудирлари ва педагог кадрларнинг тўлиқ билишини таъминлаш;

• Университетда таълим жараёни сифатини, унинг ўқув адабиётлари в аўқувуслужий материаллар билан таъминланганлик даражасини ўрганиш;

• Университет талабалари билимларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини ўрганиб бориш, таҳлил қилиш;

• Таълим сифатини оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш;

• Кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини юритиш;

• Университетни ички аттестациядан ўтказишни ташкил этиш, натижалари бўйича таълим сифатига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш, маълумотларни Университет ректорига ҳамда тақдим этиш;

• Таълим сифатини ошириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнида замонавий усуллар ва услублардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш;

• Таълим сифатини белгиловчи кўрсаткичларнинг ҳолатини мониторинг қилиш ва аниқланган муаммолар ва камчиликлар юзасидан тегишли таркибий тузилмаларга таклифлар бериш;

• Университетнинг таркибий тузилмаларида (факультет, кафедра, департамент, марказ, филиал) педагог ходимларнинг касбий малакаси ҳолатини, шунингдек олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларидаги сифат даражасини аниқлаш мақсадида ички мониторингни ўтказиш, таҳлилий маълумотларни тайёрлаш, аниқланаган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича университет раҳбариятига таклифлар киритиш;

• Университет профессор-ўқитувчилари таянч маълумотларининг тегишли дарс берадиган фанига мослигини таҳлил қилиш ёки уларнинг тегишли қайта тайёрлашдан ўтганлигини ёки мос ихтисослик бўйича илмий унвон, даражага эга эканлигини ўрганиш ва ҳулосаларни Университет ректорига маълум қилиш;

• Таълим жараёни моддий-техник базаси ҳолатини таҳлил қилиш, уни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

- Университетда талабалар амалиётининг таълим йўналишлари ва мутахассисликларни инобатга олинган ҳолда ташкил этилганлигини ва унинг самарасини назорат қилиш;

- (Инспекциянинг(хозирги кунда қандай номланади)) топшириғига биноан ОТМлар рейтингини аниқлашга ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда, ўтказиладиган аттестация ва таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш;

- Аттестация, таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда университетда аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилиши устидан назорат ўрнатиш;

- Департамент ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, халқаро лойиҳалар ва университет ҳисобидан ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли ўқув ва илмий марказлари тажрибасини ўрганиш ва уларни таълим жараёнига тадбиқ этиш;

- Университет рейтингини халқаро даражага кўтаришга қаратилган чора-тадбирларни олий таълим муассасаси раҳбарияти билан биргаликда ишлаб чиқиш ва уни ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш;

- Университетга тегишли таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда таълим сифатини оширишга қаратилган ўқув семинарлар ва тренинглар ўтказиш;

- Ўқув жараёни билан ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцион ҳамкорлик, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларнинг амалий татбиғи масалалари мониторингини юритиш;

- Университет Кенгашида ва университет жамоаси олдида департамент томонидан таълим сифатини оширишга оид амалга оширилган ўрганиш ва мониторинг натижалари тўғрисида маълумотлар бериб бориш;

- Департамент ходимларининг лавозим вазифалари бўйича топшириқларни бажариш натижаларига кўра уларни рағбатлантириш ёки интизомий чора кўриш ҳақида Университет раҳбариятга ўрнатилган тартибда таклиф ва тавсиялар киритиш;

- Таълим сифатини назорат қилиш соҳасида департаментга юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.

- Университетнинг ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш;

Билиши керак:

- Олий маълумотли, илмий даражага ёки таълим соҳасида муайян тажрибага, Университетда бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, фан соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Таълим соҳасига оид қонун ва қонуности ҳужжатларини, асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, Бўлим фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Вазирликнинг Хайъат Қарорлари, буйруқлари, Университет кенгаш қарорлари ва ректори буйруқларининг моҳиятини билиши.

- Таълим муассасаларидаги педагогик ва таълим-тарбия жараёнини билиши, таълим сифатини баҳолаш компонентларидан хабардор бўлиши;

- университетнинг таркибий бўлинмалари фаолияти хусусиятларини билиши;

- Таълим жараёнида замонавий педагогик усулларни қўллаш ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишга оид билимлардан хабардор бўлиши;

- Ўқув, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий йўналишдаги ишларнинг мазмун моҳиятини тўлиқ тушуниши, янги авлод ўқув адабиётларини тайёрлаш ва уларга ОЎМТВнинг грифини олиш тартибини билиши;

- Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини билиши;

Малака талаблари:

- Ўзбек, рус тилларини ва хорижий тиллардан бирини мукаммал билиши (штат бирлигини шакллантиришда ходимнинг хорижда малака оширганлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ);

- Иш фаолиятида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни лозим даражада билиши.

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тadbиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига;

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
1946.	Бўлим бошлиғи	1229	Б	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Таълим сифатини назорат қилиш департаменти мутахассиси

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Университети кенгашининг қарорлари, таълимга оид бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, университет ректорининг буйруқлари, шунингдек, Ички меҳнат тартиби қоидалари ҳамда ушбу йўриқнома асосида фаолият олиб боради.

- Ишларни департамент бошлиғининг топшириқлари асосида ташкил этади

- Департаментда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан иш юритиш ва ижро назоратини таъминлаш;

- Университетнинг ўқув, илмий-услубий ва илмий-тадқиқот ишлар режаларининг бажарилишини мониторинг қилиш;

- Университетнинг таркибий тузилмаларида (факультет, кафедра, бўлим, марказ, филиал) педагог ходимларнинг касбий малакасини, шунингдек олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларида сифат даражасини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган ички аттестация жараёнида иштирок этиш ва ҳисобот тайёрлаш;

- Талабалар билимини баҳолаш жараёнини таҳлил қилиш асосида рейтинг балларининг ҳолислигини, шаффофлигини ва сифат даражасини баҳолаш;

- Университетдаги ижтимоий муҳит, кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатини ўрганиш мақсадида доимий равишда талаба, ота-она, профессор-ўқитувчи ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича таҳлилий маълумотларни тайёрлаш;

- Жамоатчи экспертлар базасини шакллантириш ва улар билан қўйилган вазифалар доирасида семинар машғулотларини мунтазам равишда ўтказиб бориш;

- Аттестация, таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда Университетда аниқланган камчилик ва нуқсонларнинг ўз вақтида бартараф этилишида назоратни юритиш;

- Бўлим фаолиятига оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- Республикада ва хорижий давлатлардаги таълим сифатини назорат қилишга

оид янгиликларни доимий ўрганиб бориш ва уларни таълим жараёнига тадбиқ этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Ректор топиригига биноан департамент бошлиғи рухсати билан ОТМлар рейтингини аниқлашга ва баҳолашга оид маълумотларни тўплашда, ўтказиладиган аттестация ва таълим сифатини ўрганиш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш;

- Университетнинг ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш;

Билиши керак:

- Олий маълумотли, таълим соҳасида муайян тажрибага, Университетда мутахассис лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, фан соҳасида иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Таълим соҳасига оид қонун ва қонуности ҳужжатларини, асосий меъёрий-ҳукукий ҳужжатларни, Бўлим фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Вазирликнинг Хайъат Қарорлари, буйруқлари, Университет кенгаш қарорлари ва ректори буйруқларининг моҳиятини билиши.

- Таълим муассасаларидаги педагогик ва таълим-тарбия жараёнини билиши, таълим сифатини баҳолаш компонентларидан хабардор бўлиши;

- университетнинг таркибий бўлинмалари фаолияти хусусиятларини билиши;

- Таълим жараёнида замонавий педагогик усулларни қўллаш ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишга оид билимлардан хабардор бўлиши;

- Ўқув, илмий–тадқиқот ва маънавий-маърифий йўналишдаги ишларнинг мазмун моҳиятини тўлиқ тушуниши, янги авлод ўқув адабиётларини тайёрлаш ва уларга ОЎМТВнинг грифини олиш тартибини билиши;

- Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини билиши;

Малака талаблари:

- Ўзбек, рус тилларини ва хорижий тиллардан бирини мукамал билиши (штат бирлигини шакллантиришда ходимнинг хорижда малака оширганлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ);

- Иш фаолиятида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни лозим даражада билиши.

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига;

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотини нг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
141.	Мутахассис	1239	Б	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Факультет декани лавозим вазифалари:

- Факультет деканатининг фаолиятини ва ходимларини умумий бошқариш;

- Факультетда малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш, Ўқув- услубий, илмий, маънавий-маърифий ишларга бевосита раҳбарлик қилиш, давлат таълим

стандартлари, Ўқув режалар, Ўқув дастурлар бажарилишини таъминлаш;

- Ўқув машгулотларини ўтказиш жадваллари тўзишни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш, талабаларнинг ўзлаштириши ва давомати текшириб борилишини, рейтинг назорати олиб борилишини, интизом назоратини ташкил этиш;

- Талабаларнинг курсдан курсга ўтказиш тўғрисида буйруқлар лойиҳасини тайёрлаш;

- Талабаларга стипендия берилиши тўғрисидаги такдимномани тайёрлаш;

- Талабаларнинг битирув малакавий ишларини химоя қилиши ва давлат аттестациясида катнашишларини ташкил этиш;

- Иктидорли талабаларни излаш, аниклаш ва улар билан индивидуал, мақсадли ишлаш тадбирларини ташкил этиш, уларни фанлар бўйича олимпиадалар, турли жамғармалар (жумладан хорижий) танловларида катнашишга тайёрлаш;

- Стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларни тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириши ишларини мувофиқлаштириш;

- Факультет таркибидаги таълим йўналишларига тааллуқли дарсликлар, Ўқув ва услубий кулланмалар тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш, бошқариш;

- Янги информацион технологияларни Ўқув жараёнига кенг татбиқ этилишини, профессор-ўқитувчиларнинг янги информацион технологияларни эгаллашларини таъминлаш;

- Факультет Илмий Кенгашини фаолиятини бошқариш;

- Илмий ва илмий услубий конференциялар, кафедралараро йигилишлар, факультет профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида долзарб мавзуларда (жумладан, ўз соҳасида янгиликлар ва илмий-техник ривожланиш масалалари, мамлакат иктисодий-ижтимоий ривожланиши масалалари ва ҳк.) семинарлар, мулоқот (дискуссия)лар ташкил этиш ва ўтказиш;

- Олий таълим муассасасининг маркетинг хизмати билан ҳамкорликда факультетда тайёрланадиган мутахассисликлар бўйича мавжуд ва истикбол эҳтиёжни ўрганиш, мутахассисларга талабгор ташкилот, корхона, муассасалар билан алоқалар урнатиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш имкониятларини тартибга солиш (мақсадли шартномалар), амалий тавсиялар бериш;

- Турдош олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари ҳамда илмий муассасалар, жумладан ривожланган хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини урнатиш;

- Факультет микёсида мустақил равишда қушимча таълим хизматлари кўрсатишни ташкил этиш (ўз ҳисоб рақамига эга бўлган алоҳида «Марказ», «Курс» ва ш.к.), грантлар, инвестициялар жалб этиш, бунда факультет профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг фаол иштирокини таъминлаш;

- Ҳемис тизимида, декан профилини тўлиқ назорат қилиш ва тўғри юргизиш;

- Битирувчи талабалар дипломларини тайёрлаш ва нашр этиш;

- Талабаларга тегишли буйруқ лойиҳасини тайёрлаш ва керакли лавозим эгаларига тасдиқлатиш;

- Ёзги ва қишки мактабларни ташкил этиш ва назорат қилиш;

- Университетда фанлардан етарлича балл йиға олмаган талабалар билан индивидуал шугунланиш;

- Фейл, талабалар сафидан четлатиш, ёки гарнд бериш ҳолларида, талабанинг уйига хат чиқариш;

- Масофавий таълим ва сиртқи таълим йўналиш талабаларига хат чиқариш;

- Масофавий таълим йўналиши талабаларига, якуний имтиҳон олдидан офлайн дарс жараёнларини, жадвал бўйича ташкил этиш ;

- Талабалар турар жойларида тарбиявий ишларни ташкил этиш;

- Ваколати доирасида мурожаатларни кўриб чиқиш.

Билиши керак:

Факультет фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Вазирликнинг Хайъат Қарорлари, буйруқлари, ОТМни ректори буйруқларининг моҳиятини билиши, ОТМни йиллик ва истикболи режаларини билиши;

Малака талаблари:

- Олий таълим муассасаларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга;

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тadbиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият хисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;

- ОТМда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йуналишлари ва мутахассисликларидан бири буйича фан доктори ёки номзоди илмий даражасига, профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлиши;

- Олий маълумотга эга бўлиши.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
511	Факультет декани	1229	Б	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Декан муовини лавозим вазифалари:

- Аудитория фондлари, уларнинг ўзгариши ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиши (махсус папка юритиш);

- Кафедралардан дарс жадваллари тузиш учун маълумотлар олиб, махсус папкага тикиб бориш;

- Факультетларнинг дарс жадвалларини мувофиқлаштириш, дарс жадвалларидан бир нусхадан олиб тикиб бориш;

- Дарс жадваллари билан боғлиқ муаммоларни деканатлар билан биргаликда оператив ҳал қилиш;

- Гуруҳ ва профессор-ўқитувчилар журнаlines тайёрланиши ва тегишли тартибда деканатларга етказилишини назорат қилиш;

- Талабномалар асосида канцелярия товарларини олиш;

- Қўнғироқ чалинишини назорат қилиш;

- Талабаларнинг фанлардан олган баҳоларини ҳар семестрда семестр ведомостларига ўтказилишини таҳлил қилиб бориш;

- Профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув машғулотларини акс эттирувчи қайдномаларни, талабалар гуруҳ журналлари ва ўқув варақаларини мунтазам равишда текшириб бориш;

- Факультетда Ўқув жараёнини ташкил этиш;

- Талабаларнинг шахсий жадвалларини ҳамда рейтинг синови варақаларини тўзишни ташкил этиш;

- Талабаларнинг ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда нусхасини купайтиришни ташкил этиш;

- Факультет талабаларининг сони ҳақидаги ҳисоботни тўзишни ташкил этиш;

- Биринчи курсга қабул қилинган талабаларни Ўқув ҳужжатларини тайёрлашни

ташқил этиш (рейтинг дафтарчаларини, талабалик билетларини ва Ўқув карточкаларини тулгазиш);

- Талабалар ҳужжатларини мунтазам равишда текшириб бориш ҳамда фанлар бўйича қарзларни топшириш ҳақида эслатув хатларини жўнатиш;

- Талабалар сони, ўзлаштириши ва ҳаракати бўйича ҳисобот маълумотларини тайёрлаш;

- Талабаларни курсдан курсга ўтказиш бўйича буйруқ лойиҳасини тўзишда катнашиш;

- Талабаларни малакавий амалиётга юбориш бўйича буйруқ лойиҳасини тўзиш;

- Талабалар давоматини, Ўқув дарсларининг ўз вақтида ўтказилишини ташқил қилиш ва назоратини олиб бориш;

- Ўқув дарс жадвалларини тўзишни ташқил этиш;

- Рейтинг низомига риоя этилишини таъминлаш;

- Талабаларни ДАК синовларини топширишга ва битирув малакавий ишларини ҳимоя қилиттга қуйиш бўйича буйруқ лойиҳасини тўзиш;

- Талабаларни суров хатларига жавоб хатларини ёзишни ташқил этиш;

- Деканат фаолияти учун зарур бўлган ҳужжатлар учун буюртмалар беришни ташқил этиш;

- Факультет деканатидаги барча ҳужжатларни сақланишини таъминлашни ташқил этиш;

Билиши керак:

- Ўз фаолиятига тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, ОТМни ички тартиб-қоидалари, меъёрий ҳужжатларни билиши;

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, ҳушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;

- Олий маълумотга эга бўлиши;

- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
511	Факультет декани муовини	1229	Б	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Деканат иш юритувчиси лавозим вазифалари:

- Деканат фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлаш, рўйхатга олиш ва архивлаш;

- Маъмурий ҳужжатларнинг тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминлаш;

- Факультетларнинг дарс жадвалларини мувофиқлаштириш, дарс жадвалларидан бир нусхадан олиб тикиб бориш;

- Қўнғироқ чалинишини назорат қилиш;

- Талабномалар асосида канцелярия товарларини олиш;

- Деканат ва бошқа факультет бўлимлари ўртасида маълумот алмашинувини ташкил қилиш;
- Ўқитувчилар ва талабалар билан алоқа ўрнатиш, уларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва қайд қилиш;
- Талабаларнинг шахсий ҳужжатларини юритиш ва уларни янгилаб бориш;
- Талабаларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва тегишли бўлимларга йўналтириш;
- Деканат ва факультет миқёсидаги тadbирлар, йиғилишлар ва учрашувларни ташкил қилиш ва уларни тайёрлашда ёрдам бериш;
- Tadbирлар учун зарур ҳужжатлар ва материалларни тайёрлаш;
- Таълим жараёни бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;
- Деканат фаолияти бўйича маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш;
- Декан ва декан муовинларига уларнинг кундалик вазифаларида ёрдам бериш;
- Қабул қилиш ва телефон кўнғироқларини йўналтириш;
- Профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув машғулотларини акс эттирувчи қайдномаларни, талабалар гуруҳ журналлари ва ўқув варақаларини мунтазам равишда текшириб бориш.
- Аудитория фондлари, уларнинг ўзгариши ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиши (махсус папка юритиш);
- Кафедралардан дарс жадваллари тузиш учун маълумотлар олиб, махсус папкага тикиб бориш;
- Факультетларнинг дарс жадвалларини мувофиқлаштириш, дарс жадвалларидан бир нусхадан олиб тикиб бориш;
- Дарс жадваллари билан боғлиқ муаммоларни деканатлар билан биргаликда оператив ҳал қилиш;
- Гуруҳ ва профессор-ўқитувчилар журналин timer тайёрланиши ва тегишли тартибда деканатларга етказилишини назорат қилиш;
- Талабномалар асосида канцелярия товарларини олиш;
- Кўнғироқ чалинишини назорат қилиш;
- Талабаларнинг фанлардан олган баҳоларини ҳар семестрда семестр ведомостларига ўтказишини таҳлил қилиб бориш.

Билиши керак:

- Ўз фаолиятига тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Университет ички тартиб-қоидалари, меъёрий ҳужжатларини билиши;
- Таълим муассасаларидаги маъмурий жараёнлар ва қоидалар;
- Компьютер дастурлари, ахборот тизимлари ва интернет ресурслари билан ишлаш;
- Электрон почта ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш;
- Таълим соҳасидаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар;
- Талабалар ва ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича қонунчилик.

Малака талаблари:

- Ўз фаолиятига тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Университет ички тартиб-қоидалари, меъёрий ҳужжатларини билиши.
- Намунавий ҳулққа эга бўлиши, маданиятли, ижодий қобилиятлар, ҳушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш хусусиятларига эга бўлиши;
- Ташкилий ва маъмурий ишлар бўйича кўникмалар;
- Компьютер саводхонлиги, офис дастурларини мукамал билиш;
- Ёзиш ва мулоқот қилиш кўникмалари;
- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг пас даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
692	Иш юритувчи	4134	Т	Олий	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Талабаларга хизмат кўрсатиш департаменти бошлиғи лавозим юриқномаси лавозим вазифалари:

- Талабаларга хизмат кўрсатиш бошқармасида юритилаётган ҳужжатлаштиришни аниқ ва бехато бажарилишини таъминлаш;
- Белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва муддатида амалга оширилишини назорат қилиш;
- Департамент томонидан талабаларга оид чиқаётган барча буйруқ ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тегишли деканатлар билан келишган ҳолда ишлаб чиқиш;
- Талабаларга оид маълумотларни тегишли раҳбарият рухсати билан бошқа ташкилот ва муассасаларнинг сўровларига асосан тақдим етиш;
- Иш фаолиятида махфийликка амал қилиш;
- Меҳнат фаолияти давомида университетнинг ички меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари (ички тартиб, одоб-ахлоқ кодекси, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, санитария-гигиена ва бошқалар)га амал қилиш;
- Департамент томонидан юритилаётган барча ҳужжатларга ёзма муносабат билдириш;
- Талабалар, уларнинг ота-оналари, вакиллари, васий ва ҳомийлари, шунингдек бошқа манфаатдор томонлар билан шахсий мулоқотда ҳушмуомала бўлиш, уларнинг мурожаатларига тўлиқ жавоб қайтариш, тушунтиришлар бериш;
- Департаментда ходимлар ўртасида гуруҳбозлик, таниш-билишчиликка йўл қўймаслик ва жамоа ўртасида соғлом муҳит тарзини яратиш;
- Стартапларга молиявий ёрдам кўрсатиш ва инвесторлар билан алоқаларни ўрнатиш.
- Грантлар, кредитлар ва бошқа молиявий ёрдам турларини қидириш ва уларни тақдим қилиш.
- Стартаплар ва тадбиркорлар учун тренинглар, семинарлар ва мастер-класслар ўтказиш.
- Ишбилармонлик кўникмаларини ошириш бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
- Стартап ва инновацион тадбиркорлик соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш.
- Халқаро стартаплар ва инновацион тадбиркорлик ташкилотлари билан алоқаларни ўрнатиш.
- Халқаро конференциялар ва форумларда иштирок этиш ва тажриба алмашиш.

Билиши керак:

- Стартапларнинг ривожланиш босқичлари ва уларнинг муваффақиятга эришиш омиллари;
- Иш фаолиятида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни лозим даражада билиши.
- Бизнес режалаштириш ва стратегик режалар тузиш;
- Инвестицияларни жалб қилиш ва улар билан ишлаш;
- Замонавий технологиялар ва уларнинг бизнесда қўлланилиши;
- Инновацияларни жорий қилиш усуллари;
- Стартап ва инновациялар билан боғлиқ қонунчилик;

Малака талаблари:

- Ўзбек, рус тилларини ва хорижий тиллардан бирини мукамал билиши;
- Иш фаолиятида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни лозим даражада билиши.
- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига;
- Инновация ва тадбиркорлик бўйича сертификатлар (қўшимча афзаллик).
- Лойиҳа бошқарувида ва команда билан ишлашда тажриба.
- Ташкилий ва вақтни бошқариш кўникмалари.
- Олий маълумотга эга бўлиши.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар	Маълумотининг	ЎМКТМТЙКМ
-----	--------------	-----------------	----------	---------------	-----------

			тоифаси	энг пас даражаси	ва ОТЙМК бўйича коди
692	Мутахасис	4134	T	Олий	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Ахборот-кутубхона маркази бошлиғи лавозим вазифалари:

- Марказнинг барча фаолияти ва ходимларини умумий бошқариш;
- Университетдаги мавжуд компьютер технологияларининг дастурларини тўғри ишлашини назорат қилиш;
- Компьютерларни техник кўриқдан ўтказиб туриш ва таъмирлаш ишларини ташкил қилиш;
- Компьютер операторлари ишини назорат қилиш;
- Университетси компьютер захирасини замонавий компьютерлар ҳисобига ошириш ва мавжуд компьютерларни такомиллаштириб бориш;
- Университетда Internet тармоқлари, (E-mail) электрон почта хизматларини талаб даражасида ишлашини назорат қилиб бориш, хабар ва янгиликларни ўз вақтида қабул қилиниши ва тарқатилишини назорат қилиш;
- Университетнинг нусха кўпайтириш дастгоҳларининг ишини назорат қилиш, таъмирлаш ва кўриқдан ўтказиб туришни назорат қилиш;
- Университетнинг электрон ўқитиш бўйича олиб бориладиган барча ишларига раҳбарлик қилиш ҳамда электрон ўқитишни ташкил этиш бўйича маҳаллий ва чет эл олий ўқув юртлари билан алоқалар ўрнатиш;
- Университетни локал тармоғига портал бўйича жами маълумотларни киритиш ва таҳлил этиш.

Билиши керак:

- Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги,
- “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонун ва таълим тизимига доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- Электрон ҳужжатни шакллантириш, қўллаш ва сақлашга
- Қўйиладиган талаблар (0‘z DSt 2295:2011);
- Интерактив давлат хизматлари Таснифлаш ва шакллантиришга
- Асосий талаблар (0‘z DSt 2863:2014);
- Дастурий воситаларнинг ҳаётий цикл жараёнлари (O‘z DSt ISO/IEC 12207:2007).

Малака талаблари:

- Олий таълим Университетларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга;
- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;
- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Йўналиши бўйича камида 3 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
1858	Ахборот технологиялар и маркази бошлиғи	1229	У	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Ахборот-кутубхона маркази етакчи мутахасис лавозим вазифалари:

- Бўлим хизматларига доир маълумотларни китобхонларга етказиш;
- Бўлим жамғармасидаги адабиётлар ва кўрсатилган ахборот хизмат турларини тарғибот қилиш;
- Хизмат кўрсатиш маданиятини кўтариш, китобхонларга керакли асарлар, ҳужжатларни танлашда ёрдам бериш, картотека ва каталоглардан фойдаланиш ҳақида оғзаки маслаҳат бериш, китоб кўргазмаларини ташкил этади, библиографик шарҳлар ўтказиш ва бўлим жамғармасида бўлган электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш учун китобхонларга ёрдам бериш хизматларини ташкил этиш;
- Китобхонларга тарқатилган китоблар ва бошқа ҳужжатларнинг ўз вақтида кутубхонага қайтарилишини мунтазам назорат қилиш.
- Адабиётларнинг тавсия кўрсаткичлари, эслатма ва бошқа библиографик тавсияларни тузади;
- Мавзули маълумотлар базасига библиографик таснифлар киритади;
- Картотека тузиш ишларини олиб боради;
- Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ёзма ва оғзаки маълумотларни бажаради;
- Вақтли матбуот нашрларини қабул қилиш, рақамларини тикиш, фойдаланувчиларга етказиш.

Билиши керак:

- Ўз фаолиятига тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатлар, Университет ички тартиб-қоидалари, меъёрий ҳужжатлар.

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатлар-интеллект, маданият, ижодий қобилиятлар, ҳушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятлари, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;
- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
693	Ахборот технологиялари маркази етакчи мутахасис	4141	М	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Библиограф лавозим вазифалари:

- Турли манбалардан маълумотлар йиғиш, уларни таснифлаш ва таҳлил қилиш.
- Китоблар, мақолалар, диссертациялар ва бошқа илмий материалларни ўрганиш ва улар бўйича маълумот тўплаш.
- Китоблар ва бошқа нашрларнинг библиографик маълумотларини базага киритиш ва янгилаш.
- Библиографик маълумотларнинг тўғри ва аниқлигини таъминлаш.
- Турли мавзулар бўйича библиографик каталоглар, картотекалар ва қўлланмалар тайёрлаш.
- Библиографик маълумотларни алфавит, мавзулар ва бошқа таснифлаш усуллари бўйича тартибга солиш.
- Китобхонлар ва тадқиқотчиларга библиографик маълумотлар бўйича ёрдам бериш.
- Китоблар ва мақолаларга нисбатан маълумот қидириш ва тақдим қилиш.
- Китоб ва мақолалардан фойдаланиш статистикасини юритиш.
- Фойдаланувчиларнинг талабларини таҳлил қилиш ва уларга мос хизматлар кўрсатиш.
- Китоблар ва бошқа нашрларнинг тўғри сақланиши ва ҳолатини назорат қилиш.
- Архивлаш ва рақамлаштириш ишларини ташкил қилиш.
- Библиография соҳасида илмий тадқиқотлар ва изланишлар олиб бориш.
- Янги библиографик методлар ва технологияларни ўрганиш ва жорий қилиш.
- Бошқа кутубхона ходимлари ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилиш.
- Библиографик маълумотлар алмашиш ва уларни яхшилаш бўйича тадбирларда иштирок этиш.

Билиши керак:

- Библиографиянинг асосий тушунчалари ва уларнинг қўлланилиши;
- Библиографик маълумотларни таснифлаш ва уларни ташкил қилиш усуллари;
- Кутубхона ва ахборот хизматларининг асослари;
- Китоб ва нашрларни сақлаш, архивлаш ва рақамлаштириш усуллари;
- Турли манбалардан маълумотлар йиғиш, таҳлил қилиш ва таснифлаш усуллари;
- Илмий тадқиқотлар олиб бориш ва улар бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;
- Библиография ва кутубхоначилик соҳасидаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар;
- Интеллектуал мулк ҳуқуқлари ва уларнинг библиографияда қўлланилиши.

Малака талаблари:

- Таҳлил қилиш ва маълумотларни таснифлаш кўникмалари;
- Ташкилий ва вақтни бошқариш кўникмалари;
- Мукамал ёзиш ва мулоқот қилиш кўникмалари;
- Компьютер саводхонлиги, офис дастурларини ва махсус дастурий таъминотларни (библиографик маълумотлар базалари, архивлаш ва рақамлаштириш воситалари) билиш;
- Библиография ёки кутубхоначилик соҳасида камида 2-3 йиллик иш тажрибаси.
- Олий маълумотга эга бўлиши;

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
693	Библиограф	4141	М	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Кутубхоначи лавозим вазифалари:

- Кутубхона фондини янгилаш ва мавжуд ресурсларни сақлаш;

- Китобхонларга керакли маълумотларни топишда ёрдам бериш;
- Мавжуд адабиётлар ва ресурслар бўйича маслаҳатлар бериш;
- Китоблар ва бошқа материалларни алфавит, мавзулар ва бошқа таснифлаш усуллари бўйича тартибга солиш;
- Электрон каталоглар ва маълумот базаларини яратиш ва янгилаш;
- Китоблар ва бошқа материалларни китобхонларга бериш ва қайтариб олиш;
- Китобларнинг ўз вақтида қайтарилишини назорат қилиш ва жарима чораларини қўллаш;
- Кутубхонада ўқувлар, семинарлар, кўргазмалар ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш;
- Китобхонларни кутубхона фаолиятига жалб қилиш;
- Китоблар ва бошқа материалларнинг тўғри сақланишини таъминлаш;
- Йирикланиш ва бошқа шикастланишларни олдини олиш;
- Кутубхона бошқаруви учун зарур бўлган дастурий таъминотлардан фойдаланиш;
- Электрон китоблар ва ресурслар билан ишлаш;
- Кутубхона фаолияти бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;
- Китобхонлардан тушган талаблар ва кутубхона фаолиятини таҳлил қилиш.

Билиши керак:

- Кутубхона ва ахборот хизматларининг асосий тушунчалари ва уларнинг қўлланилиши;
- Китоблар ва бошқа материалларни таснифлаш ва каталоглаш усуллари;
- Кутубхона бошқаруви учун зарур бўлган дастурий таъминотлар ва ахборот технологиялари;
- Электрон китоблар ва ресурслар билан ишлаш усуллари;
- Китобхонларга маълумот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш;
- Керакли маълумотларни топиш ва тақдим қилиш усуллари.

Малака талаблари:

- Китоблар ва бошқа материалларни таснифлаш ва каталоглаш кўникмалари;
- Ташкилий ва мулоқот қилиш кўникмалари;
- Электрон ресурслар ва дастурий таъминотлар билан ишлаш кўникмалари;
- Кутубхоначилик ёки ахборот хизматлари соҳасида иш тажрибаси афзал.
- Олий маълумотга эга бўлиши.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
693	Кутубхоначи	4141	М	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Наширёт бўлими бошлиғи лавозим вазифалари:

- Наширёт бўлими фаолиятини режалаштириш, ташкил қилиш ва бошқариш;
- Китоблар, журналлар, илмий мақолалар ва бошқа нашрларни тайёрлаш жараёнини назорат қилиш;
- Муаллифлар билан шартномалар тузиш ва уларнинг ишини мувофиқлаштириш;
- Муҳаррирлар ва дизайнерлар билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг ишини назорат қилиш;
- Нашрларнинг мазмуни, дизайни ва техник сифатини текшириш ва тасдиқлаш;
- Қўлёзмаларни таҳлил қилиш ва нашр этишга тайёрлаш;

- Қўлёзмаларни таҳрир қилиш ва коректурадан ўтказиш;
- Нашрлар учун зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- Нашр қилиш тартибини ва жадвалини ишлаб чиқиш;
- Лойиҳаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;
- Нашрлар учун бюджетни режалаштириш ва назорат қилиш;
- Нашр қилиш билан боғлиқ харжатлар ва даромадларни таҳлил қилиш;
- Нашрларнинг реклама кампанияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Нашрларнинг бозорга чиқишини таъминлаш;
- Нашрларни тарқатишни ташкил қилиш;
- Китоб дўконлари, интернет платформалари ва бошқа тарқатиш каналлари билан

ҳамкорлик қилиш;

- Нашрларни босиш ва тарқатиш жараёнларини ташкил қилиш;
- Нашрёт бўлими фаолияти бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;
- Нашрларнинг бозордаги ўрни ва талабини таҳлил қилиш.

Билиши керак:

- Қўлёзмаларни таҳрир қилиш, коректура қилиш ва нашр этиш жараёни;
- Нашрларнинг мазмуни ва сифати бўйича талаблар;
- Нашриётчилик соҳасидаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар;
- Интеллектуал мулк ҳуқуқлари ва уларнинг нашриётчиликда қўлланилиши;
- Нашр қилиш билан боғлиқ бюджетни режалаштириш ва назорат қилиш;
- Нашрларнинг реклама ва маркетинг кампанияларини ишлаб чиқиш;
- Нашрларнинг бозордаги ўрни ва талабини таҳлил қилиш усуллари.

Малака талаблари:

- Таҳрир ва коректура кўникмалари;
- Лойиҳаларни бошқариш ва ташкил қилиш кўникмалари;
- Мукамал ёзиш ва мулоқот қилиш кўникмалари;
- Компьютер саводхонлиги, нашриёт дастурлари ва офис дастурларини мукамал

билиш;

- Нашриётчилик ёки муҳаррирлик соҳасида камида 3 йиллик иш тажрибаси;
- Хорижий тилларни билиши;
- Олий маълумотга эга бўлиши.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
693	Нашриёт бўлими бошлиғи	4141	М	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Мухаррир лавозим вазифалари:

- Директор бошчилигида истикболли мавзудаги режалар, таҳририй тайёргарлик режалари, нашрларнинг йиллик, чораклик ва ойлик режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- Мавзули режага мувофиқ муаллифларни танлаш, кулланмаларни яратиш ва уларни баҳолаш бўйича иш олиб бориш;
- Муаллифлик нусхалари сифатини назорат қилиш;
- Ижодий-техник муҳаррирлар, мусаххихлар ва нашриётнинг бошқа мутахассислари ишининг сифатини назорат қилиш;
- Нашриёт нусхаларини ишлаб чиқаришга топшириш режасини бажариш келиб тушган оригинал макетлар ва дастлабки нусхалар сифати назоратини амалга ошириш;

- Нашрларнинг тахририят - ишлаб чиқариш жараёнларидан утиши муддатларини қискартириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш буйича чора-тадбирларни таъминлаш;

- Чоп этилган нашрларнинг баҳоланишини кўзатиш китоблар муҳофазаси буйича ўтказилаётган конференцияларда иштирок этиш;

- Китоблар мавзулари буйича адабиётларга эҳтиёжни мунтазам ўрганиш;

- Нашрларнинг самарадорлигини оширишни таъминловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- Фаолият йўналишлари буйича ишларнинг самарасини ошириш борасида таклифлар киритиш;

- Фаолият йўналиши буйича факультет, кафедра ва бошқа бўлим ходимлари билан бевосита ишлаш.

- Қўлёзмалар, мақолалар, китоблар ва бошқа нашр материалларини таҳрир қилиш;

- Грамматик, стилистик ва орфографик хатоларни тўғрилаш;

- Материалларнинг мазмуни ва структурасини яхшилаш учун таклифлар бериш;

- Материалларнинг равлонлиги ва уйғунлигини таъминлаш;

- Муаллифлар билан алоқа ўрнатиш ва уларга таҳрир қилиш бўйича таклифлар бериш;

- Муаллифларнинг саволларига жавоб бериш ва уларга ёрдам кўрсатиш;

- Тайёр материалларни қайта текшириш ва коректура қилиш;

- Нашрга тайёрланган материалларнинг якуний вариантларини тасдиқлаш;

- Нашр учун долзарб ва қизиқарли мавзуларни танлаш;

- Танланган мавзулар бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва материаллар тайёрлаш;

- Нашр этиладиган материаллар учун жадваллар ишлаб чиқиш ва уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

- Лойиҳаларнинг ривожланишини кузатиш ва назорат қилиш;

- Таҳрир ва коректура жараёнларида ахборот технологияларидан фойдаланиш;

- Электрон нашрлар ва интернет платформалари билан ишлаш;

- Нашр этиладиган материалларни тайёрлаш ва нашр қилиш жараёнида қатнашиш;

- Материалларнинг чоп этилишини ва тарқатилишини таъминлаш;

- Илмий ва академик мақолаларни таҳрир қилиш ва уларнинг сифатини таъминлаш;

- Илмий нашрлар учун талабларга мувофиқ материалларни тайёрлаш.

Билиши керак:

- Ўз фаолиятига тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Университетни ички тартиб-қоидалари, меъёрий ҳужжатларни;

- Таҳрир ва коректура усуллари ва қоидалари;

- Материалларнинг мазмуни ва сифати бўйича талаблар;

- Нашриётчилик ва журналистика соҳасидаги асосий тушунчалар ва усуллар;

- Материалларнинг бозордаги ўрни ва талабини таҳлил қилиш усуллари;

- Нашриётчилик ва журналистика соҳасидаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар;

- Интеллектуал мулк ҳуқуқлари ва уларнинг таҳрирчиликда қўлланилиши;

- Таҳрир ва коректура жараёнларида ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, ҳушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;

- Таҳрир ёки нашриётчилик соҳасида иш тажрибаси;

- рамматика, орфография ва стилистика бўйича мукаммал билим;

- Таҳрир ва коректура кўникмалари;

- Ёзиш ва мулоқот қилиш кўникмалари;
- Компьютер саводхонлиги, таҳрир дастурлари ва офис дастурларини мукамал билиш;
- Олий маълумотга эга бўлиши.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
693	Мухаррир	4141	М	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Мусаххих(корректор) лавозим вазифалари:

- Нашриёт бошлигидан кулёмани қабул қилиш;
- Матннинг турли элементларидаги гап тўзилиши бир хиллигини таъминлаш, имло ва тиниш белгиларининг хатосини бартараф этиш, шунингдек, мазмун ва гап тўзилиши кўринишидаги камчиликларни тўзатиш мақсадида таҳрир қилинган оригинал нусхаларини уқиш;
- Оригинал нусхада матннинг абзацларга нотўғри бўлинишини бартараф этиш, атамалар, улчов бирликлари, кискартмаларнинг унификацияланишини таъминлаш, жадваллар, сноскалар, формулалар, нашрнинг маълумотлари тўғрилиги, библиографик баённинг тўлиқлиги ва далилларнинг манбаларга ва матндаги рақамли маълумотларнинг мувофиқлигини текшириш;
- Корректур нусхалари, хошиялари, тўзатишлар, шунингдек, оригинал макетларни уқишда терилган матннинг оригинал матнга мувофиқлигини текшириш, корректурада тўзатиш давомида полиграфия ишлаб чиқарилиши умумий қоидалари ва техник муҳаррир кўрсатмаларига мувофиқ давлат стандарти бўйича корректорлик белгиларидан фойдаланиш;
- Босишга рухсат этилган нусхадаги ва дастлабки нусхани уқишда. ҳам чиқиш маълумотларини текшириш;
- Ҳужжатлар, мақолалар, китоблар ва бошқа нашр материалларини текшириш;
- Грамматик, орфографик ва пунктуацион хатоларни тўғрилаш;
- Матнларнинг форматини, шрифти ва бошқа техник жиҳатларини текшириш ва тўғрилаш;
- Ҳар қандай визуал хатоларни аниқлаш ва тўғрилаш;
- Матнларнинг стилистик мазмунини текшириш ва яхшилаш;
- Тилнинг раволигини ва уйғунлигини таъминлаш;
- Агар матн таржима қилинган бўлса, унинг асл матнга мувофиқлигини текшириш ва аниқлаш;
- Таржимадаги хатоларни аниқлаш ва тўғрилаш;
- Матндаги барча маълумотларнинг аниқ ва тўғри бўлишини текшириш;
- Номлар, сана ва статистик маълумотларни аниқлаш;
- Мухаррир ва нашриёт ходимлари билан ҳамкорлик қилиш;
- Материалларни нашрга тайёрлашда ёрдам бериш;
- Чоп этишдан олдин материалларнинг якуний вариантларини текшириш;
- Якуний текширувлардан ўтказиш ва нашрга рухсат бериш;
- Материалларнинг турли версияларини сақлаш ва архивлаш;
- Ҳужжат айланмаси жараёнини ташкил қилиш ва уни назорат қилиш.

Билиши керак:

- Ўз фаолиятига тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Университетни ички тартиб-қоидалари, меъёрий ҳужжатларни;

- Таҳрир ва коректура усуллари ва қоидалари;
- Материалларнинг мазмуни ва сифати бўйича талаблар;
- Нашриётчилик ва журналистика соҳасидаги асосий тушунчалар ва усуллар;
- Материалларнинг бозордаги ўрни ва талабини таҳлил қилиш усуллари;
- Нашриётчилик ва журналистика соҳасидаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар;
- Интеллектуал мулк ҳуқуқлари ва уларнинг таҳрирчиликда қўлланилиши;
- Таҳрир ва коректура жараёнларида ахборот технологияларидан фойдаланиш

жумладан, электрон нашрлар ва интернет платформалари.

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият хисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;

- Корректор ёки таҳрир соҳасида камида 3 йиллик иш тажрибаси;
- Грамматика, орфография ва пунктуация бўйича мукаммал билим;
- Таҳрир ва коректура кўникмалари;
- Ёзиш ва мулоқот қилиш кўникмалари;
- Компьютер саводхонлиги, таҳрир дастурлари ва офис дастурларини билиш;
- Олий маълумотга эга бўлиши.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙ КМ ва ОТЙМК бўйича коди
693	Мусахҳих(корректор)	4141	М	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Техник ходим лавозим вазифалари:

- Нашриёт бошлиғидан қўлёзмани қабул қилиш;
- Расмийлаштириш лойиҳасининг ишлаб чиқилган бадий безатишга мувофиқ нашрнинг оригинал нусхасини тўзиш, матбуот нашрининг полиграфик ижроси техник таҳрири ўзига хослигини тўзиш;

- Тўзатишларни кўздан кечиришда ўзига хосликдаги маълумотлар, кўрсатмаларининг полиграфия корхонаси томонидан бажарилган териш сифати ва бажариш аниқлигини текшириш;

- Таҳририй тўзатиш билан боғлиқ техник қоидабўзарликларни бартараф этиш, нашр ҳажмини аниқлаш, тўзилиши, мазмуни ва колонтитулни расмийлаштиришни текшириш, мукованинг макетини тайёрлаш, чиқиш маълумотларини текшириш ва тўлдириш;

- Полиграфия корхонасининг техник таҳрир кўрсатмаларининг тўғри бажарилганлигини назорат қилиш;

- Оригинал нусхаларнинг техник таҳрири ва тўзатиш муддатларининг бажарилишини оригинал таҳрир нусхаларини теришга топширишнинг тасдиқланган режа ва жадвалларига мувофиқ амалга ошириш;

- Нашриёт бўлимидаги босмахона техникаси, принтерлар, копироваль ускуналар ва бошқа техникадан самарали фойдаланиш.

- Техника билан боғлиқ ҳар қандай муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш.

- Нашриётдаги махсус дастурлар ва техник қурилмаларни ўрнатиш ва уларнинг соф ҳолда бўлишини таъминлаш.

- Дастурий таъминотни янгилаш ва турли имкониятларни текшириш.

- Нашр материалларини тайёрлаш ва техник қўмак бериш.

- Материалларни босиш, сканерлаш ва рақамлаш жараёнларини ташкил қилиш.

- Техника хавфсизлиги бўйича қоидаларга риоя қилиш ва уларни амалга ошириш.

- Нашриёт техникаларининг хавфсиз ишлатилиши ва сақланишини таъминлаш

- Нашриётдаги тармоқларни, шу жумладан, локал тармоқлар ва интернет тармоқларини бошқариш ва назорат қилиш.

- Тармоқда юзага келган муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш.

- Техник жиҳозлар, аппаратлар ва дастурий таъминотнинг профилактика ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш.

- Нашриёт техникаларидаги камчиликлар ва хато хулосаларини аниқлаш.

- Техника ва ёрдамчи материалларнинг ҳисобини юритиш ва ихтиёжни таъминлаш.

- Техника учун эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материалларни таъмирлаш ва сақлаш.

- Техника билан боғлиқ ҳужжатларни ва таъмирлаш журналларини юритиш.

- Материаллар ва техник жиҳозларнинг ҳолати ҳақида ҳисоботлар тайёрлаш.

- Нашриёт бўлими ходимларини техникадан тўғри фойдаланиш бўйича ўқитиш.

- Нашриёт ходимларига техник ёрдам ва қўмак бериш.

- Техник саволларга жавоб бериш ва қўллаб-қувватлаш хизматларини кўрсатиш.

Билиши керак:

- Ўз фаолиятига тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Университетни ички тартиб-қоидалари, меъёрий ҳужжатларни;

- Нашриётдаги техника ва дастурларнинг тузилиши ва ишлаш принциплари.

- Техника билан боғлиқ умумий ва махсус дастурий таъминот.

- Техника хавфсизлиги қоидалари ва уларга риоя қилиш усуллари.

- Нашриёт техникасининг хавфсиз ишлатилиши ва сақланиши.

- Локал тармоқлар, интернет тармоқлари ва Wi-Fi тармоқларини бошқариш.

- Ахборот технологиялари ва уларни нашриётда самарали фойдаланиш.

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, ҳушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;

- Техника ёки ахборот технологиялари соҳасида камида 2 йиллик иш тажрибаси.

- Компьютер техникаси ва дастурлари билан ишлаш бўйича мукамал билим.

- Тармоқларни бошқариш ва техник жиҳозларни таъмирлаш кўникмалари.

- Олий маълумотга эга бўлиши.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
693	Техник ходим	4141	М	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Медиа маҳсулотлари тайёрловчи мутахассис лавозим вазифалари:

- Университет фаолиятига оид видеороликлар, фото, инфографика ва бошқа медиа материалларни яратиш;
- Ўқув материаллари, маърузалар ва тарғибот материаллари учун визуал контент тайёрлаш;
- Яратилган видеоларни, фото ва аудио материалларни таҳрир қилиш;
- Визуал ва аудио эффектлар қўшиш, овозни аниқлаштириш ва контентни сифатли қилиш;
- Медиа маҳсулотларнинг сақланиши ва архивлашишини ташкил қилиш;
- Контентни турли платформаларда ва интернетда жойлаштириш;
- Университетнинг маркетинг ва коммуникация стратегияларини қўллаб-қувватлаш учун медиа стратегияларини ишлаб чиқиш;
- Медиа маҳсулотларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш;
- Фото ва видео камералар, ёритиш асбоблари, микрофонлар ва бошқа медиа жиҳозларидан фойдаланиш;
- Жиҳозларнинг тўғри ишлатилиши ва сақланишига эътибор бериш;
- Дистанцион таълим ва онлайн курслар учун видео дарслар, презентациялар ва бошқа таълим контентини тайёрлаш;
- Ички портал ва ахборот тизимлари учун контент яратиш;
- Медиа лойиҳаларни режалаштириш ва амалга ошириш;
- Лойиҳаларнинг муддатларга мувофиқ бажарилишини таъминлаш;
- Ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва бошқа ходимлар билан ҳамкорликда ишлаш;
- Талабалар ва ходимлар билан ҳамкорликда медиа лойиҳаларни амалга ошириш;
- Университетнинг муҳим тадбирлари, конференциялари ва бошқа фаолиятларини ёритиш;

- Тадбирлардан кейин медиа материалларни нашр қилиш.

Билиши керак:

- Фото ва видео ишлаб чиқариш технологиялари, ёритиш ва овоз асбоблари;
- График дизайн ва мультимедиа дастурлари;
- Видео ва фото материалларни таҳрир қилиш, аудио материалларни ишлаш;
- Пост-продакшн жараёнлари ва методлари;
- Университетнинг маркетинг ва коммуникация мақсадларини қўллаб-қувватлаш.

Малака талаблари:

- Медиа маҳсулотлари яратиш соҳасида камида 3 йиллик иш тажрибаси;
- Видео ва фото материаллар яратиш бўйича кўникмалар;
- График дизайн ва мультимедиа дастурларини ишлатиш;
- Контентни таҳрирлаш ва тайёрлашда ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
693	мутахассис	4141	М	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Тайёрлов курси администратори лавозим вазифалари:

- Тайёрлов курсларини режалаштириш ва ташкил қилиш.
- Ўқув жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш.
- Тайёрлов курслари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш.
- Ўқув материалларини тайёрлаш ва уларнинг сифатига риоя қилиш.

- Тайёрлов курсларига қабул жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш.
- Талабаларни рўйхатга олиш ва уларнинг маълумотларини сақлаш.
- Ўқитувчилар билан ҳамкорлик қилиш ва уларни тайёрлов курсларига жалб қилиш.
- Ўқитувчиларга зарур қўллаб-қувватлаш кўрсатиш ва уларнинг ишини назорат қилиш.
- Талабаларнинг саволларига жавоб бериш ва уларга маслаҳат бериш.
- Талабаларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва уларнинг ўқиш жараёнида қўллаб-қувватлаш.
- Тайёрлов курслари бўйича ҳисоботлар тайёрлаш ва университет раҳбариятига тақдим қилиш.
- Тайёрлов курсларининг натижаларини таҳлил қилиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар бериш.
- Ўқув жараёнини самарали ташкил қилиш учун стратегияларни ишлаб чиқиш.
- Онлайн платформа ва дастурларни бошқариш ва улардан фойдаланиш.
- Электрон рўйхатга олиш ва дарс материалларини юклаш жараёнларини ташкил қилиш.

Билиши керак:

- Маъмурий ишлар ва таълим бошқаруви бўйича асосий тушунчалар ва амалиётлар.
- Таълим соҳасидаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар.
- Университетнинг ички қоидалари ва тартиблари.
- Ўқув жараёнини ташкил қилиш ва назорат қилиш усуллари.
- Онлайн таълим платформалари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш.
- Электрон ҳужжат айланмаси ва маълумотларни сақлаш усуллари.

Малака талаблари:

- Маъмурий ишлар ва таълимни бошқариш бўйича мукамал кўникмалар.
- Коммуникация ва мулоқот қилиш кўникмалари.
- Компьютер саводхонлиги, офис дастурлари ва онлайн таълим платформалари билан ишлаш.
- Олий маълумотга эга бўлиши.
- Ўзбек, рус тилларини ва хорижий тиллардан бирини мукамал билиши;

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
693	администратор	4141	М	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Молия департаменти бошлиғи лавозим вазифалари:

- Бўлимнинг барча фаолияти ва ходимларини умумий бошқариш;
- Бўлимнинг иш режаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;
- Бўлим мақсадидан келиб чиқиб Университет да мутасадди бўлган бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- Университетда фаолият юритаётган ходимларга оширилган миқдордаги меҳнат ҳақи, устамалар, қўшимча тўловлар, компенсациялар, мукофот пуллари қайдномаларни тайёрлашни ҳамда касаба уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда тўловини амалга оширишни назорат қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид Қонунлари, Президент Фармонлари, Фармойишлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Олий таълим, фан ва

инновациалар вазирлиги нинг Ҳайъат Қарорлари, буйруқлари, йуриқ хат, модемограмма ва телефонограммаларини, шунингдек, фаолиятига тегишли ректор буйруқларининг факультетлар, кафедралар, бўлимларда бажарилишини таъминлаш ва мониторингини олиб бориш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар мазмунини ходимларга етказиб бориш;
- Университетнинг профессор-ўқитувчилари ва ишчи-ходимларининг штатлар жадвали ва харажатлар сметаларини тўғри тузилишини назорат қилиш, уларни Олий ва ўрта махсус таълим ва Молия вазирликларига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиш;
- Вазирликлардан рўйхатдан ўтган штатлар жадвали ва харажатлар сметаларини ойма ой тартибли бажарилишини назорат қилиш;
- Тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган талабаларни шартнома пулларини ўз вақтида тўланишини ва тўлиқ бажарилишини назорат қилиш;
- Бўлим ходимларининг хизмат вазифаларини тақсимлаш, уларга юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва тўла қонли бажарилишини, Университетнинг ички низоми ва тартиб қоидаларига риоя қилишини назорат қилиш.

Билиши керак:

Бўлим фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Вазирликнинг Ҳайъат Қарорлари, буйруқлари, Университет ректори буйруқларининг моҳиятини билиши.

Малака талаблари:

- Университетда фаолияти доирасида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, иш стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга, бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга оид низомлар ва йўриқномалар, уларни юритиш қоидалари, жараёнларини расмийлаштириш ва ҳисоб соҳалари бўйича ҳужжатлар айланишини ташкил этиш тартибини билиши;
- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, ҳушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига;
- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Бўлим йўналиши бўйича камида 3 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙК М ва ОТЙМК бўйича коди
1925	Бўлим бошлиғи	1239	Б	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Бош бухгалтер лавозим вазифалари:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга асосан бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишни таъминлаш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни назорат қилиш;
- Профессор-ўқитувчи ва ходимлар ойлик иш ҳақларини, талабалар стипендияларини ўз вақтида ҳисоблаш ва уларни тарқатилишини назорат қилиш;

- Ҳисоб варақаларида активларнинг ҳолатининг ва ҳаракатини, мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;
- Моддий бойликлар ва пул маблағлари инвентаризациясини ўз вақтида ўтказиш;
- Самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;
- Молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузиш;
- Маҳаллий ва республика бюджетига ҳисобланган солиқларни ўз муддатларида ўтказиш;
- Банкдан олинган пул маблағларини мақсадли сарфлаш;
- Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари пайдо бўлишининг олдини олиш;
- Иш ҳақи фондини тасдиқланган штат жадваллари ва штат формулярлари асосида тўғри сарфланишини назорат қилиш;
- Стипендия фондининг ректор томонидан чиқарилган буйруқлар асосида тўғри сарфланишини назорат қилиш;
- Товар-моддий бойликларни белгиланган қоидалар асосида омборхонага қабул қилиш ва чиқим қилишни назорат қилиш;
- Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни тасдиқланган харажатлар сметалари асосида харажатлар моддалари бўйича сарфланишини назорат қилиш;
- Пул маблағлари, товар-моддий бойликлари ва асосий воситалар инвентаризациясининг ўрнатилган тартиб асосида сифатли ўтказилишини назорат қилиш;
- Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, солиқ инспекцияси ва бошқа ташкилотларга ойлик, чорақлик ва йиллик ҳисоботларнинг ўз муддатларида топширилишини назорат қилиш.

Билиши керак:

• Бўлим фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Вазирликнинг Ҳайъат қарорлари, буйруқлари, Университет ректори буйруқларининг моҳияти, Университетнинг йиллик ва истикболли режалари, молия ҳамда назорат-тафтиш ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва ҳисоботларни тузиш хусусидаги, шунингдек Университетнинг молия-хўжалик фаолияти, Университет тузилмаси ва уни ривожлантириш истикболларига тегишли барча услубий, меъёрий ҳамда бошқа ҳужжатлар.

Малака талаблари:

- Олий таълим Университетларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятлари, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стаж, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмалар;
- Намунавий шахсий фазилатлар-интеллект, маданият, етакчилик, ижодий қобилиятлар, ҳушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятлари, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;
- Олий маълумотга эга бўлиши.
- Бўлим йўналиши бўйича камида 3 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
227	Бош бухгалтер	1231	Б	Олий маълумот	5230900

Ойлик маошлар билан ишловчи бухгалтер лавозим вазифалари:

- Ҳар ойда ходимларнинг маошларини аниқ ва ўз вақтида ҳисоблаш;
 - Иш ҳақи, бонуслар, мукофотлар ва бошқа тўловларни ҳисобга олиш;
 - Маошларни ҳисоблашда миллий қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш;
 - Солиқлар, ижтимоий суғурта ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш;
 - Маошлар бўйича барча зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва архивлаш;
 - Ҳисоб-китоб ведомостлари, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа ҳужжатларни юритиш;
 - Ходимларнинг маошларини банк орқали тўлаш;
 - Банк операцияларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;
 - Маошлар бўйича солиқ ва бошқа ҳисоботларни тайёрлаш ва тегишли органларга тақдим қилиш;
 - Иш ҳақи ва мукофотлар бўйича ички ҳисоботларни тайёрлаш;
 - Ходимлардан келиб тушган маошлар ва тўловлар бўйича сўровларга жавоб бериш;
 - Иш ҳақи бўйича тушунтиришлар ва маслаҳатлар бериш;
 - Маошлар бўйича маълумотларни таҳлил қилиш ва бюджетлаштириш;
 - Маошларнинг тўғри ва самарали тақсимланишини таъминлаш;
 - Ижтимоий суғурта ва пенсия тўловларини ҳисоблаш ва тегишли органларга тўловларни амалга ошириш;
 - Ижтимоий суғурта фонди ва пенсия жамғармаси билан ишлаш.
- Билиши керак:**
- Бухгалтерия ҳисоб-китоби ва молия бошқаруви бўйича асосий тушунчалар ва амалиётлар;
 - Маошлар ва иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоб ва таҳлил усуллари;
 - Солиқ қонунчилиги, ижтимоий суғурта ва пенсия бўйича қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар;
 - Иш ҳақи ва маошлар бўйича меҳнат қонунчилиги ва меъёрий талаблар;
 - Бухгалтерия дастурлари ва банк тўлов тизимларидан фойдаланиш;
 - Электрон ҳужжат айланмаси ва маълумотларни сақлаш усуллари.
- Малака талаблари:**
- Бухгалтерия ёки маошларни ҳисоблаш соҳасида камида 3 йиллик иш тажрибаси;
 - Бухгалтерия ҳисоб-китоби ва маошларни ҳисоблаш бўйича мукамал билим;
 - Солиқ қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлар бўйича билим;
 - Компьютер саводхонлиги, бухгалтерия дастурлари ва офис дастурларини билиш.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
227		1231	Б	Олий маълумот	5230900

1С билан ишловчи бухгалтер лавозим вазифалари:

- Университетнинг молиявий фаолиятини назорат қилиш ва ҳисоботларни тайёрлаш;
- Ҳар ойда, чорақда ва йилда молиявий ҳисоботларни 1С дастури орқали тақдим қилиш;
- Университетнинг банк ҳисобварақлари ва касса ҳисобларини юритиш;
- Тўловлар, кредитлар ва бошқа молиявий операцияларни 1С дастури орқали амалга ошириш;
- Университетнинг бюджети ва молиявий режаларини тайёрлаш ва назорат қилиш;
- Даромадлар ва харажатларни прогнозлаштириш;
- Солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ ҳисоботларини тайёрлаш ва тақдим қилиш;

- Солиқ тўловларини ўз вақтида ва тўғри амалга ошириш;
- 1С дастурининг барча имкониятларидан фойдаланиб, молиявий ҳисоб-китобларни автоматлаштириш;

- 1С дастурини янгилаш ва конфигурациялаш;
- Ҳужжатларни тўғри юритиш ва уларни мувофиқ сақлаш;
- Ҳисоб-китобларни тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш ва сақлаш;
- Университетнинг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш;
- Молиявий таваккалликларни баҳолаш ва уларни камайтириш чораларини кўриш;
- Бошқа бухгалтерлар ва молия бўлими ходимлари билан ҳамкорлик қилиш;
- Ҳисоб-китобларга оид саволларга жавоб бериш ва маслаҳатлар бериш.

Билиши керак:

- Молиявий ҳисоб-китобларни юритиш қоидалари;
- Молиявий ҳисоботлар, баланс ва бошқа молиявий ҳужжатларни тайёрлаш;
- Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги;
- Солиқ ҳисоботларини тайёрлаш ва тақдим қилиш тартиблари;
- 1С дастури билан ишлаш қўнискмалари;
- 1С дастурида ҳисоб-китобларни автоматлаштириш имкониятлари.

Малака талаблари:

- 1С бухгалтерия дастури билан ишлаш қўнискмалари;
- Ҳисоб-китоб дастурлари ва банк тўлов тизимларидан самарали фойдаланиш;
- Компьютер дастурлари ва офис техникасини ишлатиш;
- Таҳлил қилиш ва миқдорий маълумотлар билан ишлаш қобилияти;
- Молиявий маълумотларни таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш;
- Молиявий ҳужжатлар ва ҳисоботлар юритишда эътибор ва аниқлик;
- Ҳисоб-китобларда хатоларга йўл қўймаслик;
- Ҳисоб-китобларга оид саволларга жавоб бериш ва маслаҳатлар бериш.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
227		1231	Б	Олий маълумот	5230900

Моддий товар ва бойликлар бухгалтер лавозим вазифалари:

- Режали ҳисоботларни тайёрлаш;
- Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар харажатлар сметасини лойиҳасини тайёрлаш;
- Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни харажатлар сметасидаги моддалар бўйича таҳлил этиш;
- Сметада кўрсатилган маблағлардан ўз мақсадлари йўлида тўғри фойдаланишни, ўринсиз ёки ортиқча харажатга йўл қўймасликни назоратга олиш.

Билиши керак:

Ўз фаолиятига тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Университетни ички тартиб-қоидалари, меъёрий ҳужжатларни билиши;

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш хусусиятларига;
- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор

бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимла р тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
2816	2-тоифали иқтисодчи	2441	М	Олий маълумот	5230100,5230200, 5231100,5231000

Операцион департаменти бошлиғи лавозим вазифалари:

- Департаментнинг стратегик режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
 - Операцион мақсадлар ва вазифаларни белгилаш;
 - Университетнинг кундалик операцияларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;
 - Департамент бюджети ва ресурсларини режалаштириш ва бошқариш;
 - Харажатларни назорат қилиш ва камайтириш;
 - Операцион фаолиятларга оид ҳужжатларни юритиш ва уларни сақлаш;
 - Бошқарувга доимий ҳисоботлар тақдим қилиш;
 - Операцион жараёнларни таҳлил қилиш ва уларни оптималлаштириш;
 - Операцион жараёнларнинг сифатини назорат қилиш ва яхшилаш чораларини кўриш;
 - Сифат стандартларига мувофиқликни таъминлаш;
 - Департамент ходимларини бошқариш ва уларни қўллаб-қувватлаш;
 - Ходимларнинг рағбатлантириш чораларини кўриш;
 - Талабалар, ўқитувчилар ва бошқа манфаатдор тарафлар билан самарали алоқалар ўрнатиш;
 - Ҳамкорлар ва таъминотчилар билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш;
 - Операцион жараёнларда инновация ва янги технологияларни жорий этиш;
 - Хавфсизлик протоколлари ва ёнғин хавфсизлиги чораларини амалга ошириш;
 - Фавқулодда вазиятларда тезкор ва самарали чоралар кўриш;
 - Фавқулодда вазиятлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
 - Барқарорлик ва экологик амалиётларни жорий этиш;
 - Университетнинг таъминот ва логистика жараёнларини бошқариш;
 - Университетнинг корпоратив маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш;
 - Ходимлар ўртасида самарали меҳнат муносабатларини таъминлаш.
- Билиши керак:**
- Операцион жараёнларни бошқариш ва оптималлаштириш қоидалари;
 - Таъминот занжири ва логистика бошқаруви;
 - Стратегик режалар ва мақсадларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
 - Стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнлари;
 - Бюджетлаш, харажатларни назорат қилиш ва молиявий режалаштириш;
 - Ҳисоб-китоблар ва молиявий ҳисоботларни юритиш;
 - Университетнинг ички қонун ва қоидалари;
 - Меҳнат қонунчилиги ва ишчи-ходимлар ҳуқуқлари;
 - Операцион кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари.
- Малака талаблари:**
- Операцион бошқарув ёки шу каби йўналишларда камида 3 йиллик иш тажрибаси;
 - Бошқарув лавозимида ишлаш тажрибаси;
 - Жамоани бошқариш ва ривожлантириш қобилияти;
 - Қарорлар қабул қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш кўникмалари;
 - Молиявий ва операция маълумотларини таҳлил қилиш қобилияти;

- Молиявий ва операция натижаларни баҳолаш ва яхшилаш;
- Самарали мулоқот қилиш қобилияти;
- Барча жараёнларда юқори сифат стандартларига риоя қилиш;
- Олий маълумотга эга бўлиши.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
227		1231	Б	Олий маълумот	5230900

Бинобон лавозим вазифалари:

- Университет биноси ва ҳудудларини қўриқлаш ва назорат қилиш;
- Кирувчи ва чикувчи шахсларни текшириш ва рўйхатга олиш;
- Хавфсизлик камералари ва сигнализация тизимларини назорат қилиш;
- Хавфсизлик ускуналарини тўғри ишлатиш ва техник ҳолатини таъминлаш;
- Бино ва ҳудудларни мунтазам равишда патрул қилиш;
- Хавфли вазиятларни аниқлаш ва тезкор чоралар кўриш;
- Ҳодисалар ва ўрганишлар бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;
- Офис техникаси ва бошқа жиҳозларнинг техник ҳолатини назорат қилиш;
- Майда таъмирлаш ишларини амалга ошириш ёки хизмат кўрсатиш мутахассисларини чақириш;
- Белгиланган иш жадвалига қатъий риоя қилиш;
- Ишни қабул қилиш ва топшириш жараёнларини тўғри ташкил қилиш;
- Оловга қарши тизимлар ва эвакуация режаларини текшириш ва янгилаш;
- Фавқулодда вазиятларда ходимлар ва талабаларни хавфсиз эвакуация қилиш;
- Университет ҳудудида йўналиш бериш ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш.

Билиши керак:

- Хавфсизлик камералари, сигнализация тизимлари ва бошқа хавфсизлик ускуналари тўғрисида билимлар;
- Хавфсизлик тизимларини ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш усуллари;
- Хавфсизлик қоидалари ва уларга риоя қилиш усуллари;
- Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш режалари ва эвакуация қоидалари;
- Университетнинг ички қоидалари ва хавфсизлик талаблари.

Малака талаблари:

- Хавфсизлик тизимлари ва техникасини ишлатиш бўйича мукаммал кўникмалар;
- Хавфсизлик хатти-ҳаракатлари ва тезкор жавоб бериш кўникмалари;
- Коммуникация ва мулоқот қилиш кўникмалари.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
227		1231	Б	Олий маълумот	5230900

Контрактация ва харидлар бўйича мутахассис лавозим вазифалари:

- Ички ва ташқи бозорни, унинг ривожланиш тенденциялари ва истиқболларини ўрганиш;

- Товар-моддий бойликлар билан таъминлаш, хизмат кўрсатувчи ва ишлар бажарувчи ташкилотларни излаш ишларини амалга ошириш;
- Етказиб берувчиларни излаш, етказиб берувчиларнинг янги таклифларини ўрганиб чиқиш, раҳбарият учун янги етказиб берувчиларни жалб қилиш бўйича асосланган таклифлар тайёрлаш;
- Етказиб берувчилар билан музокаралар олиб бориш, бевосита раҳбар билан етказиб бериш шартларини келишиш ва етказиб берувчилар учун буюртмалар тузиш;
- Буюртманинг бажарилишини кузатиш ва етказиб берувчилар олдида мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш;
- Битимларнинг ҳужжатли расмийлаштирилишини таъминлаш;
- Товарларнинг минимал омбор қолдиғини белгилаш ва компания омборида товарнинг зарурий миқдори мавжудлигини таъминлаш;
- Юқори талабга эга бўлган товарларнинг доимий мавжудлигини таъминлаш, юқори талабга эга товарларнинг танқислигини олдини олиш учун, уларнинг мавжудлиги ва сотувларини доимий равишда мониторинг қилиш;
- Техник таъминотнинг ривожланишига қўмаклашиш, Биржа эҳтиёжлари учун товар ассортименти танлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- Товар-моддий бойликларни режали харид қилиниши ва кўрсатилаётган хизматларнинг кенгайтирилиши учун, тендер сиёсатини ўтказиш учун зарур ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- Зарурий товар-моддий бойликлар ҳажмини прогнослаштириш а товарларга (ишлар, хизматлар) истеъмолчилик талабини шакллантириш, харидларнинг энг самарали бозорларини, ҳамда сифат хусусиятларига (ишлаб чиқариш услуби, хизмат муддати, фойдаланиш қоидалари, кафолатлилиги ва ҳоказо) бўлган талабларни аниқлаш;
- Товар-моддий бойликларнинг харид қилиниши ва кўрсатилаётган иш ва хизматларнинг муваффақиятли реализациясига таъсир қилувчи омилларни тадқиқ қилиш;
- Товар моддий бойликларни харид қилиш бўйича дастурларни ва иш ва хизматларни кўрсатиш бўйича ташкилотларни танлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;
- Ресурсларни асраш, заҳираларни меъёрлаштиришни такомиллаштириш, иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш, биржа фаолияти самарадорлигини ошириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнини бошқариш;
- Раҳбариятининг алоҳида хизмат топшириқларини бажариш;
- Меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин хавфсизлигига оид йўриқномалар, қоидалар ва меъёрлар талабларини бажариш;
- Хизмат тўғрисидаги низом орқали тақдим этиладиган ваколатларни бажариш учун, бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;
- Раҳбариятнинг, унинг фаолиятига оид қарорлари лойиҳалари билан танишиш;
- Харидлар ва ишларни бошқариш бўйича директорга мазкур йўриқномада кўзда тутилган мажбуриятлар билан боғлиқ ишни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;
- Харидлар ва мулкни бошқариш бўйича директорнинг рухсати билан ва бевосита у орқали тузилмавий бўлинмалардан, мутахассислардан унинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳужжатларни олиш;
- Харидлар ва мулкни бошқариш бўйича директорнинг рухсати билан ва бевосита у орқали унга юклатилган масалаларни ҳал қилиш учун барча тузилмавий бўлинмалар мутахассисларини жалб қилиш;
- Ўз лавозим мажбурият ва ҳуқуқларини бажаришда қўмаклашиш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритиш;
- Қўйилган вазифаларни бажариш учун керакли ҳажмда ахборот, шу жумладан, махфий ахборотларни олиш;

• Маҳсулотлар ва хизматларни харид қилиш жараёнини режалаштириш ва ташкил қилиш;

- Харидлар бўйича талабларни аниқлаш ва тартиблаштириш;
- Тендерлар ва танловларни ўтказиш, тендер ҳужжатларини тайёрлаш;
- Тендер комиссияси ишларида иштирок этиш ва тендер ғолибларини танлаш;
- Таъминотчилар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш ва уларни бошқариш;
- Ягона ва янги таъминотчиларни топиш ва танлаш;
- Бозор шароитлари ва нарх-наволарни мунтазам таҳлил қилиш;
- Энг қулай ва самарали харидларни амалга ошириш учун имкониятларни излаш;
- Харидларнинг молиявий ва иқтисодий жиҳатларини таҳлил қилиш;
- Харидларнинг самарадорлигини ошириш учун таклифлар бериш;
Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙК М ва ОТЙМК бўйича коди
1255		2132	С	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Тармоқ администратори лавозим вазифалари:

- Университетнинг тармоқ инфратузилмасини (LAN, WAN, WLAN) бошқариш ва оптимал ҳолатда сақлаш;

- Марказий серверлар, коммутаторлар, маршрутизаторлар ва тармоқ ускуналарини бошқариш;

- Тармоқ хавфсизлиги стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- Антивирус дастурлари, файрволлар ва бошқа хавфсизлик тизимларини ўрнатиш ва назорат қилиш;

- Тармоқ мониторинг воситаларини ишлатиш ва тармоқ фаолиятини кузатиш;

- Тармоқда юзага келган муаммоларни аниқлаш ва тезкор бартараф этиш;

- DNS, DHCP, VPN ва бошқа тармоқ хизматларини конфигурация қилиш ва бошқариш;

- Почта серверлари ва веб-серверларни бошқариш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

- Тармоқ қувватини баҳолаш ва самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- Тармоқ ускуналарининг ишлашини оптимал ҳолда сақлаш;
- Университет ходимлари ва талабаларига тармоқ билан боғлиқ саволларга жавоб бериш ва техник ёрдам кўрсатиш;
- Тармоқ фойдаланувчиларига дастурий ва техник муаммолар бўйича маслаҳат бериш;
- Тармоқ инфратузилмаси ва конфигурацияси бўйича ҳужжатларни юритиш;
- Тармоқ хизматлари ва хавфсизлик стратегиялари бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;
- Тармоқ ускуналари ва дастурий таъминотларни янгилаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
- Операцион тизимлар ва тармоқ дастурий таъминотларини мунтазам равишда янгилаб бориш;
- Университет ходимлари ва талабаларига тармоқдан самарали фойдаланиш бўйича ўқув машғулотларини ташкил қилиш;
- Янгиланган тармоқ технологиялари ва хавфсизлик стандартлари бўйича ходимларни ўқитиш.

Билиши керак:

- Тармоқ архитектураси, тармоқ топологиялари ва тармоқ ускуналари бўйича асосий тушунчалар;
- Тармоқни қуриш ва бошқариш бўйича стандартлар ва протоколлар;
- Тармоқ хавфсизлиги стандартлари ва протоколлари;
- Хавфсизлик ускуналари ва дастурий таъминотларни ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш;
- Компьютер тармоқлари, серверлар ва дастурий таъминотлар бўйича умумий билимлар;
- Тармоқ хизматлари ва инфратузилмани бошқариш усуллари.

Малака талаблари:

- Тармоқ бошқаруви ва администрлаш соҳасида иш тажрибаси;
- Тармоқ ускуналари ва дастурий таъминотлар билан ишлаш бўйича мукамал билим;
- Тармоқ хавфсизлиги ва ҳимоя тизимларини ишлатиш бўйича билим;
- Тармоқ диагностикаси ва мониторинги воситаларини ишлатиш кўникмалари;
- Коммуникация ва муаммоларни ҳал қилиш кўникмалари;
- Олий маълумотга эга бўлиши.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙК М ва ОТЙМК бўйича коди
1255		2132	С	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Компютер қурилмаларига хизмат кўрсатувчи мутахассис лавозим вазифалари:

- Компьютерлар, принтерлар, сканерлар ва бошқа ахборот технологиялари қурилмаларини ўрнатиш, конфигурация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш.
- Компьютер қурилмаларининг техник ҳолатини назорат қилиш ва профилактика ишларини амалга ошириш.

- Ходимлар ва талабалардан келиб тушган техник муаммоларни тезкорлик билан аниқлаш ва ҳал қилиш.
- Аппарат ва дастурий таъминотда юзага келган носозликларни бартараф этиш.
- Локал тармоқларни ўрнатиш, конфигурация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш.
- Интернет ва локал тармоқлардаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш.
- Компьютерлар ва бошқа қурилмаларга зарур дастурий таъминотни ўрнатиш ва янгилаш.
- Лицензияланган дастурларнинг қонуний ва самарали фойдаланилишини таъминлаш.
- Университет маълумотларини сақлаш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш.
- Маълумотларнинг резерв нусхаларини яратиш ва тиклаш жараёнларини ташкил қилиш.
- Компьютер қурилмалари ва тармоқлар бўйича техник ҳужжатларни тайёрлаш ва юритиш.
- Техник хизмат кўрсатиш журналлари ва ҳисоботларини юритиш.
- Компьютер қурилмаларини тўғри ишлатиш бўйича ходимлар ва талабаларга ўқув ва маслаҳатлар бериш.
- Техник саволларга жавоб бериш ва техник қўллаб-қувватлаш хизматларини кўрсатиш.
- Компьютер қурилмалари ва ахборот технологиялари билан боғлиқ техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.
- Хавфсиз ишлатиш бўйича кўрсатмалар бериш.

Билиши керак:

- Компьютерлар, принтерлар, сканерлар ва бошқа қурилмаларнинг тузилиши ва ишлаш принциплари;
- Аппарат ва дастурий таъминот бўйича асосий тушунчалар;
- Локал ва глобал тармоқларни ўрнатиш ва бошқариш принциплари;
- Интернет хавфсизлиги ва маълумотларни ҳимоя қилиш усуллари;
- Ахборот технологиялари соҳасидаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар;
- Лицензиялаш ва дастурий таъминот қонунчилиги.

Малака талаблари:

- Компьютер қурилмалари ва ахборот технологиялари соҳасида иш тажрибаси;
- Компьютер аппаратлари ва дастурий таъминот билан ишлаш бўйича мукамал билим;
- Тармоқларни ўрнатиш ва бошқариш кўникмалари;
- Техник муаммоларни тезкор ва самарали ҳал қилиш кўникмалари;
- Олий маълумотга эга бўлиши.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙК М ва ОТЙМК бўйича коди
1255		2132	С	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

HR департаменти бошлиғи лавозим вазифалари:

- Меҳнат фаолиятида жамоавий иш ва сифатга бўлган муносабатни ривожлантириш;

- Ходимларда қийинчиликлар пайдо бўлганда ҳар доим ёрдам бера олиш, кўнгил очиш, хавфсизлик ва тозалик каби йўналишда ходимлар учун муносиб шароитлар яратилишига интилиш;
- Аъло даражадаги ижро интизоми, ўзаро ғамхўрлик ва хушёрликни оширишга сабаб бўладиган имкониятларни доим излаш ва топиш;
- Доимий равишда кадрларни ишга ёллаш механизмини такомиллаштириш тадбирларини олиб бориш орқали меҳнат унумдорлигини ошириб бориш;
- Ходимлар билан бўладиган муносабатларда очиқ, адолатли ва изчил ҳаракат қилишга интилиш.
- Жамоанинг меҳнатга, ўз касбини севишга бўлган иштиёқини кучайтириш ва юқори экотизмни яратишга асосланган тадбирларни ташкил етиш;
- Ходимларнинг ҳуқуқ ва еркинликларини таъминлаш;
- Ходимларнинг ишлаш муҳитини яхшилаш, уларни доимий равишда рухлантириш;
- Иш фаолиятида муваффақиятларга еришган, ўз ишини аъло даражада бажарган ходимларни муносиб рағбатлантириш мақсадида университет раҳбариятига тақдимномалар киритиб бориш ва KPI тизимини кенг жорий етиш;
- Ходимлар салоҳиятини кадрлаш, улар билан меҳнат алоқаларини тўғри йўлга қўйиш;
- Университетни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда department олдида турган вазифалардан келиб чиққан ҳолда департаментнинг қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган йўл харитасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;
- Иш берувчининг ходимлар сиёсатини амалга оширишда керакли бўлган инсон ресурсларини излаб топиш, жалб қилиш, уларни ривожлантириш соҳасида департамент олдида қўйилган вазифалари аъло даражада бажариш;
- Кадрлар сиёсати ва HR стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Кадрлар режалаштиришни университетнинг стратегик мақсадлари билан мувофиқлаштириш;
- Ходимлар талабини аниқлаш ва қабул жараёнларини бошқариш;
- Бўш иш ўринлари бўйича эълонларни тайёрлаш ва тарқатиш;
- Талантларни жалб қилиш, ривожлантириш ва сақлаб қолиш бўйича стратегиялар ишлаб чиқиш;
- Ходимларнинг иш унумдорлигини ошириш ва касбий ривожланишига кўмаклашиш;
- Интервьюлар ўтказиш ва номзодларни баҳолаш;
- Янги ходимларни қабул қилиш ва уларнинг университетга мослашиш жараёнини ташкил қилиш;
- Ходимлар билан меҳнат шартномалари ва келишувларини тайёрлаш;
- Меҳнат қонунчилиги ва ички қоидаларга риоя қилишни таъминлаш;
- Ходимлар ўртасида самарали иш муҳитини яратиш ва қўллаб-қувватлаш;
- Корпоратив маданиятни ривожлантириш ва ушбу маданиятни қўллаб-қувватлаш;
- Маош ва компенсациялар тизимини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш;
- Рақобатбардош маош ва мукофот тизимини таъминлаш;
- Ходимлар учун ўқув дастурлари ва тренингларни ташкил қилиш;
- Ходимларнинг касбий ривожланишига кўмаклашиш;
- Ходимларнинг иш унумдорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- Баҳолаш натижалари асосида рағбатлантириш ва ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш;
- Ходимлар учун малака ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш;
- Таълим ва ривожланиш имкониятларини таъминлаш;

- Ходимлар ўртасида самарали мулоқот ва ахборот алмашиш тизimini ташкил қилиш;

- Ходимларнинг фикр ва таклифларини йиғиш ва таҳлил қилиш;
- HR фаолияти бўйича таҳлиллар ўтказиш ва ҳисоботлар тайёрлаш;
- Ишчи кучи бозорини таҳлил қилиш ва кадрлар сиёсатига тузатишлар киритиш;
- HR бошқаруви учун замонавий технологиялар ва дастурлардан фойдаланиш;
- HR ахборот тизимларини жорий қилиш ва улардан самарали фойдаланиш.

Билиши керак:

- Кадрлар бошқарувининг асосий концепциялари ва амалиётлари;
- Ишга қабул қилиш, маош ва компенсациялар, меҳнат муносабатлари бўйича билимлар;

- Меҳнат қонунчилиги ва меҳнат шартномалари бўйича қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар;

- Университетнинг ички қоидалари ва талаблари;
- Бизнес бошқаруви ва стратегиялар бўйича билимлар;
- Университетнинг стратегик мақсадлари ва HR сиёсати ўртасидаги алоқалар;
- HR бошқарувида замонавий технологиялар ва дастурлардан фойдаланиш;
- Электрон ҳужжат айланмаси ва маълумотларни сақлаш усуллари.

Малака талаблари:

- HR ёки инсон ресурслари бошқаруви соҳасида камида тажрибаси;
- Раҳбарлик лавозимларида тажриба;
- Кадрлар сиёсати ва HR стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмалари;
- Самарали мулоқот ва муомала қилиш кўникмалари;
- Ишга қабул қилиш, баҳолаш ва ривожланиш бўйича кўникмалар;
- Меҳнат қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлар бўйича билим.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙК М ва ОТЙМК бўйича коди
1255		2132	С	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

HR департаменти ходимлар билан ишлаш инспектори лавозим вазифалари:

- Янги ходимларни ишга қабул қилиш жараёнларини ташкил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг Ҳайъат Қарорлари, буйруқлари, модемограмма ва телефонограммаларини ижросини таъминлаш;
- Юқори ташкилотлардан бўлимга кирувчи ҳужжатларни алоҳида дафтарда қайд этилиш ва ижросини таъминлаш бўйича тегишли маълумотларни электрон базасини яратиш;
- Ҳужжатлаштиришга киритилган ариза, билдиришномаларни рўйхатга олиш ҳамда кейинги расмийлаштириш учун бўлим бошлиғига тақдим этиш;
- Департамент томонидан директорга имзо учун тақдим этиладиган буйруқлар лойиҳаларининг электрон шаклини тайёрлаш ва бўлим бошлиғига тақдим этиш ҳамда буйруқ лойиҳаларини университетнинг тегишли бўлимлари томонидан келишув имзоларини қўйилишини таъминлаш;

• Университетнинг бошқарув аппарати, маъмурият ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг рўйхатини тузиш, Т-2 шакл шахсий варақалари, меҳнат дафтарчаларини ўз вақтида тўлдириш, меҳнат дафтарчаларига ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, ўриндошлик асосида ишга қабул қилиш, ишдан озод қилишни қайд қилиш, меҳнат дафтарчаси ҳаракати ҳақида алоҳида ҳисоб дафтарини юритиш;

Ходимларни барча буйруқлар билан таништириб, буйруқдан кўчирмалар бериш;

• Профессор-ўқитувчилар ва бошқарув аппарати, маъмурият ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг шахсий йиғма жилдларини ва улардаги мавжуд ҳужжатларни расмийлаштиришда иштирок этиш ҳамда ходимларга тегишли бўлган маълумотларини ариза, меҳнат шартнома, буйруқдан кўчирмаларни шахсий йиғма жилдларига тикиб бориш;

• Университетда ишлаётган бошқарув аппарати, маъмурият ва ўқув-ёрдамчи ходимлари уларнинг сўровларига кўра белгиланган тартибда маълумотнома бериш;

• Интизомий жазо қўлланилган ходимлар ҳисобини юритиш ва моддий рағбатлантириш чоғида инобатга олиншини таъминлаш;

• Бошқарув аппарати, маъмурият ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг меҳнатга қобилиятсизлик варақаларига иш стажини аниқлаш ва белгиланган тартибда тўлдириш;

• Хомиладорлик ва туғиш ҳамда бола парваришlash таътилига чиққан бошқарув аппарати, маъмурият ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг ҳужжатларини расмийлаштириш;

• Бошқарув аппарати, маъмурият ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг белгиланган тартибда асосий ва ўриндошлик асосида лавозимлари бўйича алоҳида-алоҳида меҳнат шартномаларини расмийлаштириш;

• Ўриндошлик асосида ва бир неча касб ва лавозимда ишловчи ходимлар рўйхатини юритиш ва қонунда белгиланган меъёрдан ортиқча ишлашларига йўл қўймаслик;

• Бошқарув аппарати, маъмурият ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг табелларини текшириб бориш ва ҳақиқатда ишламаган ходимларга иш вақти қўйилиши ҳолатларини олдини олиш чораларини кўриш;

Бошқарув аппарати, маъмурият ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг йиллик меҳнат таътиллари жадвалини ишлаб чиқиш ва таътилларни жадвал асосида берилишини таъминлаш;

• Бўлим бошлиғининг қонуний топшириқларини бажариш;

• Ўриндошлик асосида ва бир неча касб ва лавозимда ишловчи профессор-ўқитувчи ва ходимлар рўйхатини электрон шаклини яратиш;

• Профессор-ўқитувчилар, маъмурият ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг ишдан озод бўлган Т-2 карталари ва шахсий йиғма жилдларини архивга топшириш учун тикиш;

• Ахборот коммуникация технологияларни пухта билиш;

• Университет ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш.

• Ишга қабул қилиш бўйича интервьюлар ўтказиш ва номзодларни баҳолаш;

• Ходимларнинг шахсий ҳужжатларини тайёрлаш ва сақлаш;

• Меҳнат шартномалари, буйруқлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш;

• Ходимлар билан боғлиқ ишларда меҳнат қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш;

• Ходимларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

• Маош ва мукофотларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича ишлар;

• Иш ҳақи ва бонуслар тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш.

• Ходимлар учун ўқув дастурлари ва тренингларни ташкил қилиш;

• Ходимларнинг касбий ривожланиши ва малака ошириши бўйича режалар тайёрлаш;

• Ходимларнинг иш самарадорлигини баҳолаш;

• Ходимлар билан боғлиқ кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва ҳисоботлар тайёрлаш;

- Ходимларни мукофотлаш ва рағбатлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- Ходимлар билан боғлиқ интизомий чораларни қўллаш;
- Ходимлардан келиб тушган шикоятлар ва муаммоларни ҳал қилиш;
- Ходимлар билан боғлиқ баҳсларни ҳал қилишда қўмаклашиш;
- Ижтимоий суғурта ва пенсия тўловлари бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;
- Ходимлар учун ижтимоий суғурта ва пенсия хизматларини ташкил қилиш;
- Университетда ижобий иш муҳитини таъминлаш ва ривожлантириш;
- Ходимлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжихатликни рағбатлантириш.

Билиши керак:

• Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлашга оид Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва вазирликларнинг буйруқлари, топшириқлари, маҳаллий ҳокимят органларининг Қарорларини ҳамда Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, университет ички тартиб-қоидаларини билиши;

• Кадрлар бошқаруви, ходимларнинг самарадорлигини баҳолаш ва ривожлантириш усуллари;

• Ишга қабул қилиш, интервью ўтказиш ва номзодларни танлаш усуллари;

• Меҳнат қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлар;

• Ходимларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича билимлар;

• Ижтимоий суғурта ва пенсия тизими бўйича қонунчилик ва талаблар;

• Ходимлар учун ижтимоий суғурта ва пенсия хизматларини ташкил қилиш усуллари;

• HR дастурлари ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш;

• Электрон ҳужжат айланмаси ва маълумотларни сақлаш усуллари.

Малака талаблари:

• Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, ҳушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;

• HR ёки кадрлар бошқаруви иш тажрибаси;

• Кадрлар бошқаруви ва меҳнат қонунчилиги бўйича мукамал билим;

• Муомала ва мулоқот қилиш кўникмалари;

• Компьютер саводхонлиги, HR дастурлари ва офис дастурларини билиш.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
1255		2132	С	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

HR департаменти мутахассиси лавозим вазифалари:

• Университетнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини таҳлил қилиш;

• Вакансиялар бўйича эълонлар тайёрлаш ва жойлаштириш;

• Резюмеларни саралаш, номзодлар билан интервьюлар ташкил қилиш ва ўтказиш;

• Деканат томонидан чиққан буйруқларни рўйхатдан ўтказиш;

• Университетда таҳсил олаётган талабаларга оид буйруқларни текшириш ва контингент юрғизиш;

• Университетда таҳсил олаётган талабалани ҳужжатларини сақлаш;

• Талаба мурожатига кўра уларни шахсини аниқлаб, ҳужжатларидан нусха бериш;

- Университетнинг битирувчи талабаларига бакалавр даражаси ва магистр даражаси дипломини бериш;
 - Ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, хизмат сафари ва таътилар бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ва юритиш;
 - Иш ҳақи, мукофотлар ва бошқа тўловлар бўйича ҳужжатларни тайёрлаш;
 - Ишга қабул қилиш жараёнларини ташкил қилиш ва назорат қилиш;
 - Номзодлар билан мулоқот қилиш ва уларни зарур ахборот билан таъминлаш;
 - Ходимларнинг меҳнат шартлари ва шароитларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;
 - Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
 - Иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
 - Ходимларнинг муаммолари ва шикоятларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш;
 - Ходимларнинг иш унумдорлигини баҳолаш ва уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш;
 - Иш унумдорлигини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
 - Ишчи кучи бозорини ва меҳнат муносабатларини таҳлил қилиш;
 - Университетнинг кадрлар сиёсати бўйича таклифлар тайёрлаш;
 - Ходимларнинг иш ҳақи, мукофотлар ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;
 - Ходимлар бўйича маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;
 - HR ахборот тизимлари ва дастурларидан самарали фойдаланиш;
 - Электрон ҳужжат айланмаси ва маълумотларни сақлаш усулларида фойдаланиш.
- Билиши керак:**
- Кадрлар бошқаруви ва меҳнат муносабатлари бўйича асосий тушунчалар ва амалиётлар;
 - Ишга қабул қилиш, номзодлар билан интервью ўтказиш ва иш ҳақи тизимлари тўғрисида билимлар;
 - Меҳнат қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлар;
 - Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш қоидалари;
 - HR ахборот тизимлари ва дастурларидан фойдаланиш;
 - Электрон ҳужжат айланмаси ва маълумотларни сақлаш усуллари.
- Малака талаблари:**
- HR ёки кадрлар бошқаруви иш тажрибаси;
 - Ишга қабул қилиш, номзодлар билан интервью ўтказиш ва кадрлар бошқаруви бўйича мукамал кўникмалар;
 - Тренинглар ва семинарлар ташкил қилиш бўйича тажриба;
 - Коммуникация ва мулоқот қилиш кўникмалари.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
1255		2132	С	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Кафедра мудири лавозим вазифалари:

- Ўзининг хизмат вазифаларини виждонан бажариш;
- Меҳнат интизомига риоя қилиш, иш берувчининг қонунга мувофиқ бўлган фармойишлари ва кўрсатмаларини ўз вақтида ҳамда сифатли бажариш;

- Университетнинг мол-мулкига авайлаб муносабатда бўлиш ва ундан оқилона фойдаланиш;
- Университет жамоасининг аъзолари ва иш жараёнида алоқа қиладиган бошқа шахслар билан хушфёъл муносабатда бўлиш, кийиниш маданиятига риоя этиш;
- Университет миқёсида кафедра фаолиятига тааллуқли масалалар муҳокамаси ва ҳал этилишида иштирок этиш;
- Кафедра иш режаси, профессор-ўқитувчи ва ходимларининг шахсий иш режалари ҳамда кафедра фаолияти доирасидаги бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш;
- Кафедра педагог ходимларига ўқув юкнамаларини тақсимлаш ҳамда уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш;
- Кафедрага педагог кадрларни танлов асосида ишга қабул қилинишини таъминлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, шунингдек, интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида УНИВЕРСИТЕТ раҳбариятига белгиланган тартибда таклифлар киритиш;
- Университетнинг тегишли хизмат бўлинмаларидан ўқув-тарбиявий ва илмий-тадқиқот жараёнини талаб даражасида ўтказиш учун зарур бўлган шароитларни таъминлашни талаб этиш;
- Белгиланган тартиб ва муддатларда ўқув йилидаги фаолияти бўйича кафедра ҳисоботини тайёрлаш, Университет кенгаши мажлисларида ҳисобот бериш;
- Тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини таълим, фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш;
- Кафедра ўқитувчиларининг шахсий иш режаларидаги ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий-услубий ишларини кўриб чиқиш, тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш, умумлаштириш, илғор тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган ишларни ташкил этиш;
- Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, педагогик фаолият билан шуғулланишни бошлаган ёш ўқитувчиларга педагогик малака ва кўникмаларни эгаллашда ёрдам бериш, ахборот базасини яратиш, ўқув машғулотларида замонавий ўқув-техника воситаларидан, яқка тартибда ўқитиш ва мустақил таълим олиш услубларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, ўқитишни замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланган махсус ўқув аудиторияларда ташкил қилиш бўйича таклифлар киритиш, масофали ўқитиш элементларини ривожлантириш ишларини амалга ошириш;
- Илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, кафедра мутахассислигига мос ёки турдош ихтисосликлар бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларини илмий семинарларда муҳокама қилиш, таълим ҳужжатларининг меъёр талабларига жавоб беришини белгилаш бўйича эксперт гуруҳлари таркибида иштирок этиш;
- Битирувчиларни ишга тақсимлаш, битирув-малакавий иши, магистрлик диссертациясининг мавзуларини шакллантириш, бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, шунингдек, илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа хўжаликлар билан алоқа ўрнатиш;
- Университет (УНИВЕРСИТЕТлар) ва мазкур кафедрада стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар билан мунтазам алоқаларни ташкил этиш, битирувчилар мониторингини олиб бориш;
- Кафедра ихтисослиги бўйича мутахассислар малакасини оширишга йўналтирилган тадбирлар ўтказиш, таълим хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантириш;
- Талабаларнинг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда турли мавзулар, йўналишлар ва ихтисосликлар, касб-ҳунар турлари бўйича тўғрақлар ташкил қилиш, талабаларни дарсдан бўш вақтини унумли ва фойдали меҳнат билан банд қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

- Кафедрада ўқитиладиган фанлардан лаборатория ишларини тўлиқ ва сифатли ўтказилишини таъминлаш ҳамда кафедра лабораторияларини замонавий ускуна, қурилма ва жиҳозлар билан таъминланишига ҳомийларни кенг жалб этиш;

- Университетнинг ахборот-ресурс марказини кафедра таълим йўналишлари ва мутахассисликларига оид янги ўқув, илмий-техникавий ва даврий адабиётлар билан узлуксиз тўлдириб борилишини ва янгиланишини доимий назорат қилиш;

- Олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган ўқув режалардаги фанлар бўйича белгиланган машғулоти турларини юксак назарий, илмий-услубий ва касбий даражада ўтказиш, таълим сифатини таъминлаш;

- Талабаларнинг малакавий амалиёти, курс лойиҳалари (ишлари), битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари, шунингдек мустақил ишлари ва илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

- Талабалар билимининг рейтинг назоратини жорий этиш, талабаларнинг аудиториядан ташқари ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

- Ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш;

- Кафедра фанлари бўйича ўқув дастурларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиққа тақдим этиш, шунингдек турдош кафедралар томонидан тайёрланган ўқув дастурларга тақриз ва хулосалар тайёрлаш;

- Дарслик, ўқув, услубий ва кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш, қайта нашр этиладиган дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётлар, шу жумладан хорижий олимлар билан ҳаммуаллифликда яратилган адабиётларга хулосалар тузиш;

- Кафедра йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ДТС, ўқув режалари ва дастурларининг ривожланган хорижий мамлакатлар таълим дастурлари билан қиёсий таҳлилин мунтазам равишда олиб бориш ва такомиллаштириш;

- Иқтидорли талабаларни танлаш ва уларни тарбиялаш, олимпиада ва танловларда, шу жумладан “Истеъдод” жамғармаси ва давлат грантлари танловида иштирок этишга тайёрлаш, талабаларнинг мустақил ишлаш шакли ва услубларини такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

- Талабалар илмий-ижодий фаолиятини тизимли асосда ташкил этиш, иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларни илмий тадқиқотларга жалб этиш, илмий-тадқиқот ишларини индивидуал ва жамоа бўлиб бажаришга ўргатиш, уларнинг илмий-ижодий фаолиятини рўёбга чиқариш учун зарур ташкилий, услубий ва моддий-техникавий шарт-шароитларни яратиш;

- Меҳнат қонунчилигида белгиланган бошқа мажбуриятлар ва ҳуқуқлардан фойдаланиш;

- Элчихоналар, чет эл ташкилотлари ҳамда чет мамлакатлар вакиллари иштироки билан ўтказиладиган тадбирларни юқори ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда халқаро алоқалар Кенгаши қарори билан ёки истисно тариқасида ректор фармойиши асосида юқори ташкилотлар орқали амалга ошириш.

Билиши керак:

Кафедра фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирликнинг Ҳайъат қарорлари, буйруқлари, Университет ректори буйруқларининг моҳияти, Университет йиллик ва истиқболдаги режалари;

Малака талаблари:

- Олий таълим Университетларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятлари, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стаж, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмалар;

- Намунавий шахсий фазилатлар-интеллект, маданият, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятлари, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат

қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;

- Университетда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражаси, профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлиши зарур.

- Йўналиши бўйича камида 5 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
794	Кафедра мудири	1239	Б	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Кафедра профессор ўқитувчилар лавозим вазифалари:

- Барча ўқув шакллари (ишлаб чиқаришдан ажралган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолларда) бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган ўқув режаларда белгиланган маърузалар, лаборатория, амалий ва бошқа турдаги машғулотларни юксак назарий, илмий услубий ва касбий даражада ўтказиш;

- Талабаларнинг малакавий амалиёти, курс лойиҳалари (ишлари), битирув-малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари, шунингдек, мустақил ишларига раҳбарлик қилиш;

- Талабалар билимининг рейтинг назоратини олиб бориш;

- Талабаларнинг аудиториядан ташқари ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

- Ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

- Кафедра фанлари бўйича ўқув дастурларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиққа тақдим этиш, шунингдек, турдош кафедралар томонидан тайёрланган ўқув дастурларга тақриз ва хулосалар тайёрлаш;

- Дарслик, ўқув, услубий ва кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш, шунингдек, олий ўқув юрти ректоратининг топшириғига биноан қайта нашр этиладиган дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув- услубий адабиётлар, жумладан, хорижий олимлар билан ҳаммуаллифликда яратилганларга хулосалар тузиш; бошқа таълим Университетларининг буюртмалари бўйича зарурий ўқув-услубий адабиётларни тайёрлашда иштирок этиш;

- Иқтидорли талабалар билан ишлаш, уларни олимпиада ва танловлар, жумладан, “Истеъдод” жамғармаси танловида иштирок этишга тайёрлаш, талабаларнинг мустақил тайёрланиш шакл ва услубларини такомиллаштириш; аудитория ишларини оптимизациялаштириш ҳисобига мустақил тайёрланиш ҳажмини ошириш бўйича чоралар кўриш;

- Катта илмий ходим-изланувчилар, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар, мустақил тадқиқотчиларга раҳбарлик қилиш, тугалланган илмий тадқиқот ишларини муҳокама этиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, тугатилган илмий ишларни нашр этишга тавсия бериш; таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш; талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

- Тажрибали ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш, янги педагогик технологияни жорий этиш;

- Педагогик фаолият билан шуғулланишни бошлаган ўқитувчиларга педагогик маҳоратни эгаллашда ёрдам бериш;

- Ахборот базасини яратиш, ўқув машғулотларини ўтказиш жараёнида замонавий ўқув-техника воситаларидан фойдаланиб гуруҳда ва якка тартибда ўқитиш, мустақил таълим олиш воситаларидан фойдаланиш;

- Масофали таълим тизимини ривожлантириш;

- Хорижий ўқув юртларининг иш тажрибасини ўрганиб бориш;

- Рақобатбардош илмий педагогик кадрларни тайёрлаш; кафедра аъзолари ёки ректорат топшириғига биноан бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳимояга тақдим этилган диссертацияларни кўриб чиқиш;

- Таълим ҳужжатларининг эквивалентлигини белгилаш бўйича эксперт гуруҳлари таркибида иштирок этиш;

- Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, шунингдек, илмий техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалик корхоналари, кооперативлар, деҳқон, фермер ва бошқа хўжаликлар билан алоқа ўрнатиш;

- Олий ўқув юртини битирганлар ва мазкур кафедрада стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар Университетини ўтаганлар билан мунтазам алоқаларни ташкил этиш;

- Кафедра профили бўйича мутахассислар малакасини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш;

- Таълим хизмати кўрсатиш тизимини кенг ривожлантириш;

- Хорижий ҳамкорлар, илмий ва таълим Университетлари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш.

Билиши керак:

- Педагогик фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирликнинг Ҳайъат қарорлари, буйруқлари, Университет ректори буйруқларининг моҳияти, кафедра йиллик ва истиқболли режалари.

Малака талаблари:

- Педагогик фаолиятида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятлари, таълим соҳасида иш тажрибаси ва стажи, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмалар;

- Университетда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражаси, профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлиши

- Намунавий шахсий фазилатлар-интеллект, маданият, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятлари, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
2289	Профессор	2310	М	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Доцент лавозим вазифалари:

- Барча ўқув шакллари (ишлаб чиқаришдан ажралган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолларда) бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган ўқув режаларда белгиланган маърузалар, лаборатория, амалий ва бошқа турдаги машғулотларни юксак назарий, илмий услубий ва касбий даражада ўтказиш;

- Талабаларнинг малакавий амалиёти, курс лойиҳалари (ишлари), битирув-малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари, шунингдек, мустақил ишларига раҳбарлик қилиш;
- Талабалар билимининг рейтинг назоратини амалга ошириш;
- Талабаларнинг аудиториядан ташқари ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;
- Ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш;
- Кафедра фанлари бўйича ўқув дастурларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиққа тақдим этиш, шунингдек, турдош кафедралар томонидан тайёрланган ўқув дастурларга тақриз ва хулосалар тайёрлаш;
- Дарслик, ўқув, услубий ва кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш, шунингдек, олий ўқув юрти ректоратининг топшириғига биноан қайта нашр этиладиган дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётлар, жумладан, хорижий олимлар билан ҳаммуаллифликда яратилганларга хулосалар тузиш;
- Нодавлат таълим Университетларининг буюртмалари бўйича зарурий ўқув-услубий адабиётларни тайёрлашда иштирок этиш;
- Иқтидорли талабалар билан ишлаш, уларни олимпиада ва танловлар, жумладан, “Истеъдод” жамғармаси танловида иштирок этишга тайёрлаш, талабаларнинг мустақил тайёрланиш шакл ва услубларини такомиллаштириш; аудитория ишларини оптималлаштириш ҳисобига мустақил тайёрланиш ҳажмини ошириш бўйича чоралар кўриш;
- Тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини муҳокама этиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, тугатилган илмий ишларни нашр этишга тавсия бериш;
- Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш; талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш; стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар, мустақил тадқиқотчиларга раҳбарлик қилиш.
- Тажрибали ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш, янги педагогик технологияни жорий этиш;
- Педагогик фаолият билан шуғулланишни бошлаган ўқитувчиларга педагогик маҳоратни эгаллашда ёрдам бериш; ахборот базасини яратиш, ўқув машғулотларини ўтказиш жараёнида замонавий ўқув техника воситаларидан фойдаланиб гуруҳида ва якка тартибда ўқитиш, мустақил таълим олиш воситаларидан фойдаланиш;
- Масофали таълим тизимини ривожлантириш; хорижий ўқув юртларининг иш тажрибасини ёритиб бориш;
- Рақобатбардош ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш; кафедра аъзолари ёки ректорат топшириғига биноан бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳимояга тақдим этилган диссертацияларни кўриб чиқиш; таълим ҳужжатларининг эквивалентлигини белгилаш бўйича эксперт гуруҳлари таркибида иштирок этиш;
- Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, шунингдек, илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалик корхоналари, кооперативлар, деҳқон, фермер ва бошқа хўжаликлар билан алоқа ўрнатиш;
- Университетни битирганлар ва мазкур кафедрада докторантлар ва мустақил-изланувчилар Университетини ўтаганлар билан мунтазам алоқаларни ташкил этиш;
- Кафедра профили бўйича мутахассислар малакасини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш;
- Таълим хизмати кўрсатиш тизимини кенг ривожлантириш;
- Хорижий ҳамкорлар, илмий ва таълим Университетлари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш.

Билиши керак:

Педагогик фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирликнинг Ҳайъат қарорлари, буйруқлари, Университет ректори буйруқларининг моҳияти, кафедра йиллик ва истиқболли режалари.

Малака талаблари:

- Педагогик фаолиятида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятлари, таълим соҳасида иш тажрибаси ва стажи, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмалар;
- Университетда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан номзоди илмий даражасига, доцент илмий унвонига эга бўлиши;
- Намунавий шахсий фазилатлар-интеллект, маданият, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятлари, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавози м номи	ММ СК бўйича код	Ходи млар тоифаси	Маълумо тининг энг паст даражаси	ЎМКТ МТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
742	Доцент	2310	М	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Катта ўқитувчи лавозим вазифалари:

- Барча ўқув шакллари (ишлаб чиқаришдан ажралган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолларда) бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган ўқув режаларда белгиланган лаборатория, амалий ва бошқа турдаги машғулотларни юксак назарий, илмий услубий ва касбий даражада ўтказиш;
- Талабаларнинг малакавий амалиёти, курс лойиҳалари (ишлари), шунингдек, мустақил ишларига раҳбарлик қилиш;
- Талабалар билимининг рейтинг назоратини амалга ошириш;
- Талабаларнинг аудиториядан ташқари ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;
- Ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш;
- Дарслик, ўқув, услубий ва кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш, шунингдек, олий ўқув юрти ректоратининг топшириғига биноан қайта нашр этиладиган дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётлар, жумладан, хорижий олимлар билан ҳаммуаллифликда яратилганларга хулосалар тузиш;
- Нодавлат таълим Университетларининг буюртмалари бўйича зарурий ўқув-услубий адабиётларни тайёрлашда иштирок этиш;
- Иқтидорли талабалар билан ишлаш, уларни олимпиада ва танловлар, жумладан, “Истеъдод” жамғармаси танловида иштирок этишга тайёрлаш, талабаларнинг мустақил тайёрланиш шакл ва услубларини такомиллаштириш; аудитория ишларини оптималлаштириш ҳисобига мустақил тайёрланиш ҳажмини ошириш бўйича чоралар кўриш;

- Тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини муҳокама этиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, тугатилган илмий ишларни нашр этишга тавсия бериш;

- Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш; талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

- Тажрибали ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш, янги педагогик технологияни жорий этиш;

- Педагогик фаолият билан шуғулланишни бошлаган ўқитувчиларга педагогик маҳоратини эгаллашда ёрдам бериш; ўқув машғулотларини ўтказиш жараёнида замонавий ўқув техника воситаларидан фойдаланиб гуруҳда ва якка тартибда ўқитиш, мустақил таълим олиш воситаларидан фойдаланиш.

Билиши керак:

Педагогик фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирликнинг Ҳайъат қарорлари, буйруқлари, Университет ректори буйруқларининг моҳиятини билиши, кафедра йиллик ва истиқболли режалари.

Малака талаблари:

- Педагогик фаолиятида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятлари, таълим соҳасида иш тажрибаси ва стажи, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмалар;

- Олий маълумотга эга бўлиши;

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавози м номи	ММСК бўйича код	Ход имлар тоифаси	Маълумо тининг энг паст даражаси	ЎМКТ МТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
2510	Катта ўқитувчи	2310	М	Олий маълумот	Билим арнинг қўлланиш соҳасига кўра

Ўқитувчи, ассистент-ўқитувчи лавозим вазифалари:

- Барча ўқув шакллари (ишлаб чиқаришдан ажралган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолларда) бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган ўқув режаларда белгиланган лаборатория, амалий ва бошқа турдаги машғулотларни юксак назарий, илмий, услубий ва касбий даражада ўтказиш;

- Талабаларнинг малакавий амалиёти, курс лойиҳалари (ишлари), шунингдек, мустақил ишларига раҳбарлик қилиш;

- Талабалар билимининг рейтинг назоратини амалга ошириш;

- Талабаларнинг аудиториядан ташқари ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

- Ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

- Дарслик, ўқув, услубий ва кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш, шунингдек, олий ўқув юрти ректоратининг топшириғига биноан қайта нашр этиладиган дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётлар, жумладан, хорижий олимлар билан ҳаммуаллифликда яратилганларга хулосалар тузиш;

- Нодавлат таълим Университетларининг буюртмалари бўйича зарурий ўқув-услубий адабиётларни тайёрлашда иштирок этиш;

- Иқтидорли талабалар билан ишлаш, уларни олимпиада ва танловлар, жумладан, “Истеъдод” жамғармаси танловида иштирок этишга тайёрлаш, талабаларнинг мустақил тайёрланиш шакл ва услубларини такомиллаштириш;

- Аудитория ишларини оптимизациялаштириш ҳисобига мустақил тайёрланиш ҳажмини ошириш бўйича чоралар кўриш;

- Тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини муҳокама этиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, тугатилган илмий ишларни нашр этишга тавсия бериш;

- Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;

- Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

- Тажрибали ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш, янги педагогик технологияни жорий этиш;

- Ўқув машғулотларини ўтказиш жараёнида замонавий ўқув техника воситаларидан фойдаланиб гуруҳда ва якка тартибда ўқитиш, мустақил таълим олиш воситаларидан фойдаланиш.

Билиши керак:

Педагогик фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирликнинг Ҳайъат қарорлари, буйруқлари, Университет ректори буйруқларининг моҳияти, кафедра йиллик ва истиқболли режалари;

Малака талаблари:

- Педагогик фаолиятида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятлари, таълим соҳасида иш тажрибаси ва стажи, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмалар;

- Олий маълумотга эга бўлиши;

- Намунавий шахсий фазилатлар-интеллект, маданият, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятлари, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, Университет стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММ СК бўйича код	Ход имлар тоифаси	Маълум отининг энг паст даражаси	ЎМК ТМТЙМК ва ОТЙМК бўйича коди
2261	Ўқитувчи	2320	М	Олий маълумот	Били мларнинг қўлланиш соҳасига кўра

Кафедра иш юритувчи лавозим вазифалари:

- Лабораториянинг иш режаси, кафедра мудири, лаборатория (кабинет) мудирининг кўрсатмаларига мувофиқ таълим жараёнини таъминлаш билан боғлиқ ҳамма ишларни бажариш;

- Лаборатория машғулотларини ўтказишда қатнашиш, машғулотда ўқитувчининг барча талабаларини адо этиш, лаборатория машғулотларини ўтказиш чоғида хавфсизлик техникаси, ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларини ўрганиш ва билиш ҳамда ёнғинни ўчириш воситаларидан фойдалана олиш ва талабалардан уларга риоя этишни талаб қилиш;

- Тегишли соҳа бўйича ўзига топширилган ускуна, асбоблар ва бошқа техник воситаларни билиш, улардан ўқув ва илмий мақсадларда фойдалана олиш;

- Тегишли соҳа бўйича ўқув кўргазмалари курулларни тайёрлаш ва ҳал этишда, лаборатория ускуналарини йиғиш, монтаж қилиш, профилактика ва таъмирлашда қатнашиш, маъруза ва лаборатория амалий машғулотлар ҳамда илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш учун зарур материалларни тайёрлаш;

- Кафедра лабораторияларидаги ускуналар ва асбобларнинг бутунлиги ва иш жойларида озодлик ҳамда тартиб сақлашни кузатиб бориш;

- Асбоб-ускуналар, стендлар, макетлар ва шу кабиларнинг ҳолати тўғрисида лаборатория (кабинет) мудирини (катта лаборант)га ўз вақтида маълум қилиб туриш, ўз билимлари, малакасини ошириш устида ишлаш, кафедра мажлисларида ва кафедранинг барча материалларини ҳамда ўқув, услубий, илмий хизматга оид ҳужжатларни компьютерда чоп этиш.

Билиши керак:

Ўз фаолиятига тааллуқли Низом, йўриқнома, Университет ички тартиб-қоидалари ва меъёрий ҳужжатларни билиши.

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатлар-интеллект, маданият, ижодий қобилиятлар, ҳушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятлари, масъулият ҳисси, қатъий ҳаракат қилиш хусусиятларига эга бўлиши;

- Ўрта махсус маълумотга эга бўлиши;

- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

Т/р	Лавозим номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
1535	Лаборант	2229	М	Ўрта махсус	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра